

Тарбиянинг жонбахш воситаси



Бухоро

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
Бухоро давлат университети
Бухоро санъат коллежи

Тарбиянинг жонбахш воситаси

(Ўзбек халқ қўшиқлари мисолида)

Бухоро-2014

“Тарбиянинг жонбахш воситаси”. “Бухоро”, 2014. 90 бет.

Мазкур методик қўлланма умумий ўрта таълим, мусиқа ва санъат мактаблари ўқувчи ва ўқитувчилари Олий ва ўрта махсус ўқув юртлари талабалари ҳамда кенг маданият ва санъат ходимлари учун мўлжалланган.

Такризчилар

Б. И. Мустафоев-педагогика фанлари номзоди, доцент.

Л. Ф. Шарипова- филология фанлари номзоди, доцент.

Тўпловчи ва нашрга тайёрловчилар

Б. Х. Мадримов-педагогика фанлари номзоди, доцент.

.

Ушбу методик қўлланма БухДУ ўқув методик кенгаши мажлиси (2014 йил 28 Январ 6-сон баённома) да муҳокама қилинди ва нашрга тавсия этилди.

Кириш

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, жамият ижтимоий ҳаётида муҳим ўзгаришлар рўй берди. Жумладан, миллий ҳамда умуминсоний қадриятларга асосланган, ҳуқуқий жамиятни барпо этиш мақсадида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Чунончи, таълим-тарбия жараёни мазмунига миллий истиқлол мафқураси ғояларини сингдириш, ўқувчиларга миллий қадриятлар, анъаналар ва кўп асрлик мусиқий мерос воситасида эстетик тарбия бериш муаммоси алоҳида долзарблик касб этмоқда.

Президентимиз Ислом Каримовнинг “....Фарзандларимизнинг биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлиб яшаши учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этаётган эканмиз, бу борада маънавий тарбия масаласи, ҳеч шубҳасиз, беқиёс аҳамият касб этади,”- деган фикрларида Ўзбекистонда ёш авлодни тарбиялаш борасидаги давлат сиёсатининг мазмун-моҳияти ўз ифодасини топган. Бу борада қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги қонун, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”, Умумий ўрта таълим давлат таълим стандарти, мактаб таълимини ривожлантириш дастури, “Ёшлар йили” давлат дастури қабиладнинг ҳаётимизга чуқур татбиқ этилаётгани ёшларимизга таълим-тарбия беришда, уларнинг камол топиши йўлида хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009–2014 йилларга мўлжалланган давлат дастурини тайёрлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармойиши мамлакатимизда ўсиб келаётган ёш авлоднинг маънавий олами ва маданий савиясини юксалтириш, ёшларимизнинг миллий ва жаҳон мусиқа маданиятининг юксак намуналаридан кенг баҳраманд бўлиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш ва шу асосда мусиқий таълимни янада ривожлантириш, бу борада кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш бўйича амалга ошириладиган вазифалар кўрсатилган. Ёш авлоднинг мусиқий истеъдодини,

маданиятини юксалтириш мақсадида мамлакатимизнинг ҳар бир шаҳар ва туманида муסיқа ҳамда санъат мактабларининг фаолият кўрсатиши назарда тутилган.

Бундай имкониятларнинг яратилиши, биринчидан, болаларда куй-қўшиққа, санъатга муҳаббат уйғотиб, уларда чолғучилик, ижрочилик каби билим, кўникма ва малакаларни шакллантиради. Иккинчидан, муסיқа санъати асосида ўқувчи шахсининг маънавий, ахлоқий маданиятини, миллий ғурур ва ватанпарварлик тарбиясини амалга оширади. Ижодий маҳорат, нафосат ва бадиий дидни ўстиради, фикрлаш даражасини кенгайтиради. Учинчидан, муסיқа санъати навқирон авлодимизнинг юксак маънавият руҳида камол топишига кучли таъсир кўрсатади. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, мустақилликнинг биринчи йиллариданок мамлакатимизда муסיқа санъатини кенг ривожлантиришга алоҳида аҳамият берилди. Айниқса, мумтоз муסיқий меросимизни асраб-авайлаш ва ўрганиш, уни ёш авлодга безавол етказиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Бунинг натижасида нуфузли халқаро муסיқа анжуманлари, «Шарқ тароналари» мунтазам равишда ўтказиб келинмоқда.

Ушбу соҳада илмий изланиш олиб бораётган тадқиқотчилар улуг она халқимизнинг буюк санъаткорлари ва созандалари ижросидаги мумтоз ҳамда миллий қўшиқларимизни кенг тарғиб қилиш, миллий менталитетимиз руҳидаги санъат намуналарини оммалаштиришда фаол иштирок этиб келмоқдалар. Айниқса, Ўрта Осиё муסיқа санъати ва муסיқашуносликдаги янги илмий-назарий ғояларни ёшлар онгига сингдириш, уларнинг миллий ғояга асосланган муסיқа асарларини ўрганишига, эгаллашига катта аҳамият берилмоқда.

Шунини алоҳида эътироф этиш лозимки, ёшлар таълим-тарбияси сифати ва самарадорлиги устида қанчалик ҳаракат қилмайлик, ҳали ҳануз ижтимоий ҳаётимизда ғарб муסיқасига хос бўлган «Реп», «Гок» каби жазавага туширадиган руҳиятини кўзғатадиган куй ва қўшиқлар кириб келмоқда. Бундай қўшиқлар яна “оммавий маданият” ғояси остида қабул қилинмоқда. Бугунги кунда ана шундай енгил-елпи, маъносиз ва тўмтоқ қўшиқлар билан бизнинг миллий менталитетимизга хос бўлмаган одатларни ёшларимиз табиатига сингдириш учун ҳаракатлар

қилинмоқда. Биз ёшларни ноодатий ва “оммавий маданият” унсурларидан асраб қолишимиз зарур.

Хулоса қилиб айтганда, муסיқа инсоннинг миллий маънавияти камолотида жуда катта ўрин тутди. Шу нуқтаи назардан қараганда ушбу методик қўлланмада болаларбоп ўзбек халқ қўшиқлари намуналари ёритилган бўлиб, умумий ўрта таълим, муסיқа ва санъат мактаблари, Олий ва ўрта махсус ўқув юртлари ўқувчи ва ўқитувчилари учун хизмат қилади деб умид қиламиз.

Қўшиқ- (жанр сифатида) нисбатан кичик диапазонли куйдан иборат бўлиб, бармоқ вазнидаги поэтик текстнинг тўртликдан иборат бир бандини (ёки бирикми мисрасини) қамраб олади. Айни вақтда ҳар бир шеърий мисрага тугал мелодик тузилма мослаштирилган бўлади. Ўзбек адабиётшунослигида эса қўшиққа бундай таъриф берилади: Қўшиқ-халқ оғзаки ижодида шаклланган жанр. Қўшиқнинг муҳим белгиси-ижро учун мўлжалланганлик. Қўшиқлар бирор муסיқа жўрлигида (лапар, ёр-ёр) муайян иш-ҳаракат ритми (қўш қўшиқлари, чархчи қўшиқлари ва б.) ёки маълум бир руҳий ҳолат моҳиятига (йўқловлар) мос тарзда ижро қилинган.¹ Қўшиқ жуда кенг тарқалган жанрлардан бири бўлиб, ўз мазмунининг хилма-хиллиги, кўп қирралилиги билан алоҳида ажралиб туради. Бунда қўшиқ ва куйлар учун ритмнинг равллиги ва аниқлиги характерлидир:



Қўшиқда ҳар бир мисрадан сўнг нақарот сўз ва шунингдек ҳар бир навбатдаги банддан (ёки унинг ярмидан) кейин келадиган нақаротларни ҳам жуда кўп учратиш мумкин. Қўшиқ муסיқали поэтик асосларининг кўпгина

¹. Қуроноф.Д., Мамажонов З., Шерамеева М. Адабиётшунослик луғати.- Тошкент: Академ нашр, 2010.- Б.384.

белгилари лапарлар учун ҳам (гарчи у одатда накаротсиз бўлса-да) характер-лидир.



Лапар- рақсбоп куйга эга бўлиб, кўпинча ўйин-рақс билан ижро этилади. Лапарни, одатда, икки кўшиқчи диалог шаклида ижро этади. Унинг матнлари асосан ишқий-лирик ёки дидактик, юмористик ёки ҳазил шеърлардаи ташкил топади. Лапарда йигит ва қиз ўртасидаги диалог бир хил куйнинг такрорланишида ижро этилади. Диалог текст ҳар хил куйга асосланиши ҳам мумкии. Бундай ҳолларда текстнинг иккинчи (“жавоб”) банди кўшиқнинг биринчи (ва ҳар бир кейинги) -“савол” бандидаги оҳангни ривожлантирувчи куй тузилмасига мос ке- лади. Шунингдек, Хоразмда рақс жўрлигида якка ижрочи айтадиган кўшиқлар ҳам лапар дейилади. Гарчи мазмунан бир хил бўлса-да, лапарнинг ҳар икки тури кўшиқдан ўз куйининг рақсбоплиги билан фарқланади. Айрим туманларда “лапар” термини ўлан деб юритиладиган диалог шаклидаги тўй-маросим кўшиқларига нисбатан ҳам қўлланиладики, бу айтишув келин ҳамда куёв томон вакилларининг ҳар бир гуруҳида алоҳида-алоҳида унисон хор сифатида ижро этилиши ёки яккахонлар диалоги тусида бўлиши мумкин. Унисон хор бошқа жанр бўлганлиги боис яллада алоҳида ўрин эгаллайди. Одатда ялла ҳам рақс жўрлигида ижро этилиб, у икки хил бўлади. Биринчисининг куйи нисбатан тор диапазонли бўлиб, шеърдаги ҳар бир банд ва унинг ўйинлари яккахон яллачи, накарот эса унисон хор (бир гуруҳ созанда ёки

ашулачилар, кўпинча, тингловчилардан иборат группа) томонидан айтилади. Бундай яллаларда ҳар бир банд нақарот билан бошланиб нақарот билан тугалланади:



Бу каби намуналардан фарқ қилган ҳолда, ялланинг иккинчи хили учун, аксинча, нисбатан кенг диапазонли ривожланган куй характерлидир. Унда унисон хорнинг яккахон ижроси билан алмашилиб туришини кўрамиз. Раксни эса энди кўшиқчи-яллагчининг ўзи эмас, балки алоҳида раққоса (ёки раққос) ижро этади. Ўз куйининг ривожланган услуби ва характери жиҳатдан бу ялла тури ашула жанрига мос келади.

Ашула- ўз куйининг чўзиқ ҳамда ривожланганлиги, диапазон куйнинг кенглиги, ритмининг сезиларли даражада синкопалилиги билан характерланади. Ашула асосини на фақат бармоқ вазнидаги, балки профессионал поэзияга хос аруз вазнидаги шеърлар ҳам ташкил этади. Одатда ашула куйи шеърый текстни тўла (баъзан шеърнинг бир неча банди ва кам ҳолларда эса бир бандини) қамраб олади. Фалсафий маъноли фикрга эга бўлган, шунингдек, соғинч, алам ва ҳасратни ифодаловчи ишқий-лирик мазмун кўпроқ ашула тематикаси учун хосдир



Ашуланинг ривожланган намуналари эса оғзаки анъанадаги профессионал муסיқага киради. Бундай ашула жанрининг яна бир тури катта ашула ҳисобланади.

Катта ашула - ўз куйининг декламацион характердалиги, диапозонининг кенглиги (уч октавага яқин), асосий мелодик тузилманинг бадиҳа тарзида импровизация йўли билан) унда ривожлантирилиши ҳамда ўз ритм-ўлчовининг муттасил (маълум меъёрдаги тартибда) бўлмаганлиги билан характерланади:

10

Ха - ё дўст - лар би - ро - да - ар - лар
ни - го - рим сўр - га - ни кел - дим.
Ха - ё дўст лар би - ро - дар - лар
ни - го - рим а сўр - га - ни кел - ди - ма, у лур ди - ёр
ос - то - ни - га ю - зим - ни сур - га - ни - а кел - дим.
и т.д.

Ўзбек халқининг мусиқа меросидаги мазкур жанр кўпроқ Фарғона водийси учун характерли бўлиб, профессионал санъаткорлар икки ёки ундан ортиқ ҳамнафас ашулачи-хофизлар томонидан дойра ёки бошқа чолғу асбоблари жўрлигисиз, маълум анъанавий тартибда ижро этилади. Ўзбек кўшиқчилиги жанрларининг барчаси ўз характерли интонацион-мелодик тузилмалари, лад-тонал ҳамда метр-ритмик асосларини сақлаб қолган чолғу вариантларига ҳам эга бўлиши мумкин. Чолғу вариантларда ҳар бир созга хос ижрочилик имкониятлар ҳамда характерли хусусиятлардан ташқари куй тузилишига хос хусусияти билан боғлиқ бўлган талқин ҳамда расм бўлган ижро шакли (ансамбль ёки якканавоз) ўз аксини топади. Айрим қисқа диапазонли куйлар эса, кўпинча чолғу пьесаларга хос бўлади. Бундан ташқари соф чолғу куйлар ҳам мавжуд бўлиб, улар ўз бой тасвирий имкониятлари билан ажралиб турадилар ҳамда турли жанрларга бўлинадилар. Ўз навбатида чолғу мусиқасига мансуб жанрлар ҳам икки турда-маълум шароит (тантанавор шодиёналар, томоша-ўйинлар, ҳарбий маросимлар) билан боғланган ҳамда барча жойда ижро этиладиган турларга

бўлинади. Улар ансамбль ёки якканавоз ижросида эшитиш учун мўлжалланган ранг-баранг жанрларни ташкил этадилар. Ўзбек халқ муסיқасининг лад томонига назар ташлаганда, шуни таъкидлаш керакки, бу ерда куйлари секста, квинта, кварта ва улардан тор интерваллар диапозонидаги лад тузилмалари ҳамда куйлари икки-икки ярим октава диапозонидаги етти поғонали диатоник ладлар ўрин олган.

Ўзбек халқ муסיқасида “оралиқ хроматизм” деб аталувчи тусга хос хроматизм элементлари мавжуд. Хроматик ўзгаришлар кўпинча ладнинг II, III, VI ва VII поғоналарида кузатилади. Натижада турли хил диатоник ладлар аралашмаси юзага келади. Жумладан, ионий ва эолий (III поғона хроматик ўзгариши натижасида), ионий ва миксолидий (VII поғона хроматик ўзгариши натижасида), эолий ва дорий (VI поғона хроматизми), эолий ва фригий (II поғона хроматизми), дорий ва миксолидий лад аралашмаларини кўраимиз. Шунингдек, ўзбек куйларида турли хил модуляциялар ҳам мавжудки, улар жуда бой тасвирий аҳамият касб этади. Ўзбек халқ ашула-қўшиқлари ва чолғу куйлари деярли ҳамма вақт пастки тоника билан тугалланади. Ўзбек халқ куйларида пасайиб борадиган ҳаракат билан мувозанатланмайдиган куй- оҳанг ривожини учратиш қийин. Куй ҳаракатининг поғонама-поғона силжиши аксарият ҳолларда маълум товушларнинг юқори томон кенг интервалларга сакраши билан биргаликда кузатилади ва кўпинча, улар куй тузилмасининг ўртасига эмас, балки унинг бошланиши ёки қўшни тузилмалар чегарасига тўғри келади. Ашула-қўшиқ ва чолғу куйларининг структурасига келганда эса, ўзбек халқ муסיқасининг ранг-баранг шакллари учун уйғунлик, аниқлик ва бўлимларида цезура (чегара) лар муайянлиги билан ажралиб туришини кўраимиз.

Анъанавий оғзаки профессионал муסיқа

Шарқнинг кўпгина халқлари каби ўзбеклар ўтмиш аждодининг муסיқа санъатида профессионализм эрамизнинг биринчи асрларидаёқ вужудга келган ва асрлар давомида такомиллаша бориб, ижрочилик маданиятида миллий қўшиқлар ҳамда вокал ва чолғу муסיқа жанрларида юксак бадиий натижаларга эришилган.

Шу нуқтаи назардан қараганда, кичик ёшдаги болаларни тарбиялашда миллий қўшиқларимизнинг ўрни ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади. Бундай миллий руҳда яратилган қўшиқларимиздан бири алладир.

Алла - болани уйқусини келтирадиган шунчаки қўшиқ эмас, балки она ва бола орасидаги ўзига хос муносабатларнинг асрлар давомида сайқалланган усулидир. “Алла” қўшиғи ёрдамида ифодаланган бу муносабатлар аجدодлардаги бор доноликнинг она орқали болага ўтишига ёрдам беради, уни тинчлантиради, тарбиялайди, боланинг ҳаётга табиий кириб келишига имкон яратади. Шу билан бирга, кўпинча бу жараён англаб, ҳиссий-эмоционал даражада амалга ошади. Она нозик мусиқий оҳанглар-бир маромдаги ритм ва фақат ўзи ҳис қиладиган кечинмалар орқали болага ўзининг энг муқаддас, энг эзгу туйғуларини, орзу ва истакларини етказади, ана шу аснода уни мустақил ҳаётга тайёрлайди. Демак, алла қўшиқлари ўзининг амалий, тинчлантирувчи, эркаловчи, ухлатувчи вазифаларидан ташқари, ниҳоятда катта тарбиявий аҳамиятга ҳам эга ҳисобланади. Болани жисмоний ва маънавий тарбиясида алланинг аҳамияти муҳимлиги ҳақида буюк Ибн Сино айтганидек: “Тўдак мижозини мустаҳкамловчи фойдали воситалар қаторига қуйидагилар киради: биринчидан, енгил тебратиш ва иккинчидан, одатда аллалаб ухлатаётганда мусиқа ва қўшиқни хиргойи қилиш. Бу икки нарсанинг бола томонидан идрок этилиши уни жисмоний машқлар ва мусиқага мойил қилади. Кўплаб адабиётлар, китоблар, тўпламларни ўрганиш, ҳаётий кузатишлар алла қўшиқларининг хилма-хил шакл ва турлари мавжудлигини кўрсатмоқда. Масалан, “Ўзбек халқ мусиқаси” китобининг III жилдида Юнус Ражабий томонидан тўпланган ҳамда ёзиб олинган алла қўшиғи келтирилган.

“Алла”

Ўзбек халқ қўшиғи

M.M. ♩=42-44

Оқ қў-зим, оп-поқ қў-зим, гап тут - ма-ган

сур-бет ю-зим, эс-сиз-ги-на бер-ган ту-зим, ёш-лар-га тўл -

M.M. ♩=63-66

дир-динг қў-зим, (мо), ал - ла Ал-ла жо -

ним, ал - ла, ҳо-зир иш-лаш - га пал - ла, йи-ғим-те-рим -

лар - ни о-либ, сўнг-ра қи-ла - миз ял - ла (ё) ял - ла.

“Ўзбек халқ ижоди” туркумидаги “Бойчечак” китобининг (тузувчилар: О.Сафаров, К.Очилов) “Аллалар” бўлимида бу қўшиқнинг адабий матнлари тўпланган. Китоб охирида О.Сафаровнинг “Болалар куйласа-олам мунаввар” сарлавҳали мақоласи берилган, унда ўзбек халқ болалар қўшиқларига оид адабиётлар, уларнинг тарихи ва ривожланиш қонуниятлари ҳамда қисман алла қўшиғи ҳақида маълумотлар мавжуд.

Мисол тариқасида уларнинг бир неча энг ёрқин намуналарини келтирамыз:

1. Алла айтиб ухлатаман,

Алла, қўзим, алла.

Қандай сени юпатаман,

Алла, болам, алла.

Кичкинасан, лоласан,

Алла болам, алла.

Боғ ичида чаман гуллар,

Алла, қўзим, алла.

Сайрайди шайдо булбуллар,

Алла, қўзим, алла.

Сендан келар гул иси,

Алла, болам, алла.

Қачон катта бўласан,

Алла, болам, алла.

Ота-онамнинг бириси,

Алла, болам, алла.

2. Юзимнинг ёруғи, кўзимнинг нури,

Белимнинг қуввати, дилим сурури.

Элимнинг қувончи, тоғдек ғурури,

Эрка болам, оппоғим, алла.

Севган болам, тойчоғим, алла.

Ўргилай кўзингдан, эрка фарзандим,

Новвотим, асалим, шакарим, кандим,

Умрингни тилайман, кўнгил хурсандим,

Кўзичоғим, оппоғим, алла,

Ёниб турган чироғим, алла.

4. Алла болам, Бахтиёр,

Ҳар нарсанинг вақти бор.

Кўзимнинг нури ўзинг,

Келажагим бахтиёр,

Алла, болам, алла-ё,

Гулу лолам, алла-ё.

3. Ширин болам, алла.

Жону дилим алла.

Тахти равони бўлсин,

Ота-онаси кулсин,

Мавжудажоним, алла.

Ширин болам, алла.

Жону дилим, алла.

Қизил гулим сўлмасин,

Келин бўлиб сузилсин,

Мавлудажоним, алла.

Ўзинг менга қанот бўл,

Юрагимга мадад бўл.

Тоғни талқон қилгудек,

Полвону бо одоб бўл,

Суяр тоғим, алла-ё,

Севар боғим, алла-ё.

Келтирилган мисоллардан бизнинг маданиятимиз ва санъатимиз нечоғли бой ва ранг-баранглиги кўриниб турибди. Шунинг учун ҳам у атрофлича тадқиқ этишга лойиқ ва муносибдир. Мазкур алла қўшиқларини таҳлил қилиб, биз қуйидагиларни қайд этишимиз мумкин. Ҳар бир аллада шеърнинг такрорланувчи қисми (рефрен) мавжуд бўлиб, у ўзгаришсиз қолади. Такрорланувчи мисралар:

“Алла, қўзим, алла, Алла, болам, алла”.	“Ширин болам, алла, Жону дилим, алла”.
“Эрка болам, оппоғим, алла, Севган болам, тойчоғим, алла”.	“Алла, болам, аллаё, Гулу лолам, алла-ё” ва ҳ.к.

Навбатдаги аллада шеърнинг такрорланувчи қисмидан кейин учинчи банд охирида яна битта қўшимча қатор бор:

“Алла-ё, алла!”.

У ёки бу қаторларда алланинг мазкур такрорланувчи қисми бир маромдалиги туфайли унинг асосий амалий вазифасини бажаради, яъни тинчлантиради, тебратади ва ухлатади.

Энди нотали ҳолатдаги алла қўшиқларидан, айнан такрорланувчи қисмнинг турларидан мисол келтирамиз, чунки нотасиз қўшиқни тушуниш ва уни тасаввур қилиш жуда қийин:

Аллаларни қуйлашдан олдин ўқувчилар билан оилада фарзанд туғилганидан сўнг ўтказиладиган турли анъаналар; исириқ солиш, чақалоққа исм қўйиш, чақалоқнинг қулоғига азон айтилиши, сўнгра бешикка белаш, сочқи сочиш, ёнғоқ чақишлар, алла айтишлар ва ҳоказо халқ удумлари ҳақида қизиқарли суҳбатлар олиб бориш мумкин. Таниқли хонанда Ўзбекистон халқ артисти Саодат Қобулова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ҳабиба Охунова, Ўзбекистон халқ артисти Замира Суюновалар томонидан қуйланган аллалардан

намуналар тинглаш ўқувчилар билан “Алла” га бағишланган дарсларни янада қизиқарлироқ ўтказишга имкон беради.

Бундай суҳбатлар, савол-жавоблар, қўшиқ тинглаш ва “Алла” куйлашлар ўқувчилар онгида оналарга меҳр, кичикларга шафқат каби муқаддас туйғуларни мукамал сингдириш имконини беради ва айти пайтда бу маросимларнинг ўтказилиши ҳақида ҳам ўқувчилар чуқур билимга эга бўладилар.

АЛЛА

Ўзбек халқ қўшиғи

Секин

(М.Исмоилова нотага олган)

Ух- ла бо- лам дўм- боқ- қи-нам ал- ла- ё,

ал- ла Ши-рин қў-зи-чо- гим ал- ла- ё



Ухла болам, дўмбоққинам алла-ё алла,

Ширин кўзичоғим алла-ё алла.

Осмондаги юлдузингга-ё алла

Денгиздаги кундузингга-ё алла.

Кеча тўйиб ухласанг-о алла,

Ором ўтар кундузингга-ё алла.

“Алла” қўшиқларидан профессионал мусиқа ва бошқа санъат турларида фойдаланилишига оид яна кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Бу мутлақо тасодифий эмас, зеро, алла қўшиқларида бизни бу ҳаётда асраб-авайловчи мусиқа, сўз, она бағри тафтининг сеҳрли кучи мужассам. Олимлар, мусиқашунослар, адабиётшунослар, фольклоршунослар, педагоглар,

психологлар мазкур мусиқа жанрини, унинг бола тарбияси ва ривожланишига таъсирини атрофлича ўрганганлар.

“Алла” кўшиқлари илмий-техника тараққиёти, оламшумул ижтимоий ўзгаришлар юз бераётган бизнинг асримизда ҳам ўзининг ҳаётий муҳим аҳамиятини йўқотмайди. “Алла” кўшиқлари билим, инсонпарварлилик, маънавият манбаи бўлиб қолаверади, у энг яхши инсоний фазилатларни шакллантиради, бизнинг қалбимизда гўзал мусиқа, кўшиқ бўлиб янграйди, дилимизни шод этади, кучимизга куч қўшади, инсонни тарбиялайди ва маънавиятини бойитади.

“Алла” ҳар бир инсон ҳаётидаги биринчи кўшиқ, биринчи мусиқа сифатида қалбимизда мусиқага бўлган муҳаббатни оширади, мусикий ифода воситаларини қабул қилиш ва англаш қобилиятини шакллантиради, жаҳон мусиқа санъатининг хазинасига йўл очади. Мусиқа санъатига муҳаббат айнан “алла” кўшиқларидан бошланади.

1-4 синф ўқувчиларига мўлжалланган ўзбек халқ кўшиқлари.

Ўзбек халқ болалар кўшиқлари мусиқа ижодиёти ва мусикий тарбиясининг энг қадимий турларидан биридир. Болалар кўшиқ фольклори мусиқа тарбияси воситаси сифатида мусиқа педагогикасининг халқ мусиқа педагогикаси, мусиқа этнопедагогикаси деб аталмиш соҳасига тааллуқлидир. Болалар халқ кўшиқлари мусиқа ижодиётининг соҳаси сифатида мусиқа этнографияси ва мусиқа фольклористикаси фанлари томонидан ўрганилади. Агар алла кўшиғи - бу катталарнинг болаларга бағишланган халқчил-маиший кўшиқ ижодиёти бўлса, ўзбек халқ болалар кўшиқлари эса болалар халқ кўшиқ ижодиётидир. Болалар халқ кўшиқларининг шакл ва жанрлари ҳаётнинг ўзи каби жуда кўп ва хилма-хилдир.

Болалар халқ кўшиқлари ўйинлар, санамалар, тегишмалар, тез айтишлар, турли хил тақлидий товушлар ва ясамалар, топишмоқлар, маиший, диний, байрам, меҳнат, йил фасллари, табиат, жониворларга бағишланган, нисбатан камроқ ёки

кўпроқ ривожланган оҳангли, шаклли, мазмунли ва бошқа кўшиқлардир. Табиийки, ушбу кўшиқларнинг айрим жанрларининг яратилишида маълум даражада катталар иштирок этмайди. Лекин ушбу кўшиқлар бевосита шу ижодий жараёнга тўлиқ жалб этилган болалар томонида ижро этилади. Болалар халқ кўшиқларининг жанр жиҳатидан хилма-хиллиги улардан мусиқа педагогикасининг барча турлари ва соҳалари (ижод, ижро, мусикий таълим ва тарбия методикалари)да фойдаланиш имконини беради.

“Читтигул”.

“Читтигул” халқ кўшиғи кўпроқ гуллар фасли бўлмиш кўклам ва баҳор мавсумида куйланадиган кўшиқ. Бу кўшиқ метро-ритмикаси характери жиҳатидан шўх-ўйноқ, рақсга тушиш учун қулай. Бу кўшиқни одатда қиз болалар чапак чалиб айтишади ва унга рақсга тушишади.

Бу кўшиқни куйлаш учун: “Қизлар жуфт-жуфт бўлишиб, кафтларини бир вақтда бир-бирига уриб айланишиб, кўшиқ айтадилар. “Читтигул-о читтигул” дейилганда қизлар юзма-юз турадилар ва қўлларини маълум тартиб билан бир-бирларига қарсиллатиб теккизиб, чиройли оҳанг касб этадилар. “Ҳа-ю читтигул, ҳа-ю читтигул” дейилганда қизлар бир хил мақом билан ту7рган жойларида гир айланадилар.

“Читтигул” кўшиғининг қизиқарли бўлиши ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ижодкорлигига кўпроқ боғлиқ бўлади. Бунда ўзига хос ўйин элементлари ва рақс ҳаракатлари бир-бирини тўлдириб боради.

Ундан 1-синф ўқувчиларининг халқимизнинг ўзига хос анъаналарга бўлган ҳурмати шакллантириш, дўстлари даврасида иноқ-тотув бўлиш ва қувноқ кайфиятли бўлиш ҳислатларини шакллантиришда фойдаланиш мумкин.

ЧИТТИ ГУЛ



Тошхон қиз ўзи-ўзи

Тошхон қизнинг боши бор

Бошида йўрма дўзи.

Манглайда қуёши бор.

Н а қ а р о т :

Н а қ а р о т :

Ҳа-ю читтигул

Ҳа-ю читтигул

Ҳа-ю читтигул

Ҳа-ю читтигул

Йўрма дўзи ярашган

Бу йил биринчи синф

Ойисига қарашган.

Чунки етти ёши бор.

Н а қ а р о т :

Ўзи аъло ўқиса

Бундан яхши қиз борми?

“Оқ теракми, кўк терак”

Ўзбек халқ болалар қўшиғи

Ушбу қўшиқда “терак” сўзи қиёсий маънода олиниб унда икки тарафда қатор бўлиб бўй чўзиб тизилиб турган болалар назарда тутилади. Оқ терак асосан иморатлар учун яхши қурилиш материали бўлиб, ўзининг теккис

силлиқлиги, узунлиги ва пишиқлиги билан ажралиб туради. Кўк терак эса бир оз эгри-бугри ва муртак бўлади. Иморатга ишлатишда анчагина ноқулайликлар туғдиради. Бу ўйинда асосан болаларнинг қайси бири кучли ва бақувват эканлиги синаб кўрилади. Оқ теракка ўхшаган пишиқми ёки кўк теракка ўхшаган мўртми эканлиги аниқланади.

Оқ теракми, кўк терак ўйинининг шартига кўра биринчи қаторда турган болалар қўл ушлашиб тизилишади. Иккинчи қатордаги гуруҳ болалари ҳам қўл ушлашиб ўн қадамча нарида уларга рўпара бўлиб туришади. Команда сардорлари командаларнинг кучи тенг бўлиши учун болаларнинг кучли ва бақувватлиликка қараб танлаб олинади. Ўзаро келишилган ҳолда командаларнинг куч жиҳатидан тахминан тенг бўлиши таъминлангандан сўнг командаларнинг бири ашула бошлайди, улар:

Оқ теракми кўк терак, (2 марта).

Биздан сизга ким керак,

дея савол берадилар. Иккинчи қатордаги болалардан бирининг номини айтиб Шерзод бўталоқ керак деб чақирадилар. Биринчи гуруҳдан бораётган боланинг вазифаси иккинчи командада тизилиб турган болаларнинг қаторини югуриб бориб бор куч билан ёриб ўтиши керак. Агар қаторни ёриб ўта олса ўзини тутиб қола олмаган болалардан бирини ўз командасига асир қилиб олиб кетади. Шундан сўнг қатордаги болалар қўшиқни куйлашиб “Биздан сизга ким керак” дея мурожаат қиладилар ва биринчи гуруҳдагилар ўзаро келишган ҳолда кимнингдир номини биргаликда айтадилар ва шу тарзда ўйин давом этади. Агар бола шу тизимни ёриб ўтолмаса унда унинг ўзи асирга тушган бўлади ва ўйиндан чиқиб командасининг тақдири қандай бўлишини кутиб туради. Ўйин энг охирги икки боланинг занжирини ёриб ўтгунга қадар давом этади. Шундан сўнг ғолиб команда мағлубият сабабларини муҳокама қилишади. Қўшиқни куйлаганда “ким керак?” сўзларида савол аломатлари сезилиши ва “Шерзод бўталоқ” керак деган сўздан команданинг дадиллиги ва ҳамжиҳатлигини кўрсатишга алоҳида эътибор бериш керак. Бу ўйин одатда очик майдонда

ўйналади. Аммо синфда уч кишилиқ командалар тузиб ўйинни амалий кўрсатиб бериш ҳам мумкин, бунда асосий эътибор қўшиқнинг тўғри ижро этилишига қаратилади.

ОҚ ТЕРАКМИ, КЎК ТЕРАК?

Тезроқ

Ўзбек халқ болалар ўйини



Оқ теракми, кўк терак?

Биздан сизга ким керак?

Кичик Салима керак.

“Осмондаги ой”

Ўзбек халқ болалар қўшиғи

“Осмондаги ой” халқ қўшиғига хос хусусият унинг диалог, айтишув, савол-жавоб тарзида ижро этилишидир. Бу асарни характери жиҳатидан болалар термаси жанрига ҳам киритиш мумкин.

“Осмондаги ой”- қўшиғида икки бола яъни бой боласи билан камбағал бола ўртасидаги мулоқот берилган.

Камбағал боланинг гапларида ирония, кесатиш, ҳажв остига олиш усуллари кенг фойдаланилган.

Бой ўз фарзандини осмондаги ой сингари тенгсиз, обрў жиҳатидан баланд,
баркамол, бой-бадавлатлиги тенгсиз деб ҳисоблашига ишора сифатида киноя
билан унга

- Осмондаги ой,

Сайдазим бой

дея масхараомуз мурожаат қилади.

Нима еяпсан?

Олма еяпман.

диалоги болаларга хос эканлигини яққол кўрсатувчи белги ҳисобланади.
Кейинги қаторлардаги мулоқотда улар ўртасидаги тенгсизлик ва боланинг
онасига хос хасислик одатлари очиб берилади.

- Олмангдан ташла,

- Ачам уришади.

- Ачанг ўлсин,

- Худо сақласин.

Асарнинг навбатдагиси

Ҳовлингни супур,

Лўли ўйнасин.

қаторлари ҳатто тиланчилик қилиб юрган лўлиларни ҳам меҳмон сифатида
яхши кутиб ол-маъносида айтилган. Кейинги

Қазонингни юв,

Гўжа қайнасин.

қатори эса яхши меҳмондўстлик кўрсатиб, қозонингни ювиб, овқат қилиб қўй, қолганлар ҳам ундан ичиб баҳраманд бўлсин деган маънода айтилган.

Асар мелодиясининг дастлабки қаторлари орқали кварта пастга тушиш билан якунланади ва бу ўз навбатида ижрога насихатомуззлилик кайфиятини беради. Асар авжида учрайдиган ярим тонлик болалар ўртасидаги тортишув янада кескин тус олганлигини кўрсатади.

Асарнинг мазмунини моҳирона таҳлил қилиб бериш орқали бу қўшиқда ўқувчиларга очкўзлик, хасислик ёмон одат эканлиги, ҳатто тиланчилик қилиб юрувчи лўлиларнинг ҳам инсон сифатида ҳурматини жойига қўйиб мурожаат қилиш лозимлиги ҳақида тушунча берилади. Ёмон иллатлар бу қўшиқда кескин ҳажв остига олинади.

ОСМОНДАГИ ОЙ

Шошилмасдан

Ўзбек халқ айтишуви



Ос- мон- да- ги ой, Сай-да- зим бой. Ни-ма е- яп- сан,
Ол- ма е-яп-ман. Ол-манг-дан таш-ла, А- чам у-ри-ша- ди.
А- чанг ўл- син, Ху- до сақ-ла- син. Ҳов-линг-ни су-пур,
Лў- ли ўй- на- син. Қо-зо- нинг-ни ос, Гў- жа қай-на- син.

“Чорий чамбар”

Ўзбек халқ қўшиғи

“Чорий чамбар” болалар ўйин қўшиғида болалар давра куриб, оёқларини олдинга чўзиб ўтирадилар. Ўйинни бошлаб берувчи бола қўшиқни куйлар экан, бармоғини учини болаларнинг оёқларига теккизиб уларни санайди. қўшиқнинг охири кимга тўғри келса, у бола бошловчининг шартига кўра шеър айтиб бериши, қўшиқ куйлаб бериши, ёки рақсга тушиб бериши лозим бўлади. Бошловчи яна бошқа қизиқ-қизик шартларни ҳам қўйиши мумкин. Масалан, бедана бўлиб сайраш, хўроз бўлиб қичқириш ва ҳоказо. Ўйиннинг қизиқарли бўлиши бошловчининг шартини бажараётган боланинг ўз вазифасини қанчалик даражада маҳорат билан бажаришига боғлиқ бўлади.

Мазкур қўшиқни мусиқа дарслари жараёнида ҳам муваффақиятли куйлаш мумкин. Бунда биз қўшиқни бутун синфга ўргатдик ва бошловчи сифатида ўқувчилардан бирини танладик. қўшиқ давомида бошловчи болаларни кўрсаткич бармоғи билан бир-бир кўрсатиб санаб боради ва ўйинни якунловчи болага шарт қўйилади. Шартларни қўйишда биз турлича мавзуларни танладик;

Бошловчи: Меҳнат ҳақида қандай қўшиқларни биласиз?

Болалар: Ҳа-ю читтигул.

Бошловчи: Унда қандай қиз ҳақида куйланади?

Болалар: Унда Тошхон исмли қиз ҳақида куйланади. Тошхон тикишни билади, дарсларни ўз вақтида бажаради ва ота-онасига ёрдам беради.

Иккинчи болага бошқача шарт қўйилади.

Бошловчи: Ватан ҳақидаги қўшиқлардан бирини куйлаб беринг?

Ўқувчи: “Ўзбекистон Давлат мадҳияси” ни куйлаб беради.

Бошловчининг қўйган шартларини яхши бажарган болага бутун синфнинг фикрига қараб баҳо қўйилади. Яхши жавоб берган болалар ўз вазифасини яхши эгаллагани учун ўйиндан чиқиб туради. Шартни яхши бажара олмаган ўқувчи эса яна ўйинга қатнашишга мажбур бўлади.

Айрим ҳолларда бошловчи ролини ўқитувчининг ўзи бажариб туради.

Бунда у ўз ақл идроки билан ўқувчиларни турли йўналиш-ларга солиш имкониятига эга бўлади. Ўйин қизиқарли бўлиши учун айрим ўқувчиларнинг имконият кўламадан, билим уқувидан келиб чиққан ҳолда қизиқ воқеаларни гапириб бериш, афанди латифаларидан сўзлаб беришга ўхшаш кўнгил очар вазиятларни ҳам юзага келтиришлари мумкин.


Қўшиқ 4/4 ўлчовида ёзилган. Синфда болаларни кўплигини ҳисобга олган ҳолда ҳар бир чоракталик нотада биттадан ўқувчини кўрсатиб ўтиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Чорий чамбар

Ўртача тез

Ўзбек халқ болалар ўйини

Чо- рий чам- бар, би- рий ан- бар О- на қиз қай- да?



Сан тур, сан-чиқ, ку-муш бол-ға, О-на вош, ён-бош гул-дур-гуп.

Чорий чамбар.

Она қиз қайда?

Бирий анбар.

Сан тур, сан чиқ,

- Она қиз қайда?

Кумуш болға,

- Ола була тоғда.

Онавош, ёнбош,

Тоғман-зувман

гулдур-гуп.

“Олатой”

Ўзбек халқ қўшиғи

Одатда ўғил болалар ёғочни от қилиб минишни яхши кўради. Ушбу ўзбек халқ болалар қўшиғида ёғочни от қилиб миниб юрган боланинг ички болаларча ҳис-туйғулари баён этилади. У ўз отини эркалатиб “Олатой” деб атайдди. Яъни, бу ола-була тойчоқ деган маънони билдиради. Болакай тойчоқни тезроқ катта бўлишини, унга миниб шамолдай тез учиб, интизорлик билан кутаётган онасига етишни истайди.

Ола-той, була той,

Мен сени йўрғалатай.

Йўрғалама чопалоқ,

Шамолдан ўзиб кетай.

Тезроқ онамга етай.

Кейинги куплетда боланинг онасига бўлган меҳр, садоқати, онасининг кўнглини олишга, унинг ғам аламларига ҳамдард бўлишга, ташвишларига чек қўйишга бўлган интилиш ҳислари ҳақида сўз юритилади.

Онам дили қон бўпти,

Ёшлари маржон бўпти.

Маржонининг ипи йўқ,

Ипи эмас, сепи йўқ.

Онасининг юрагидаги ғамга, кўзларидаги маржон-маржон ёшларнинг тўкилишига барҳам бериш учун интилиши ва бу кўз ёшларнинг ипсиз маржон каби тўкилишига онасининг сепи йўқлиги, камбағаллиги сабаб эканлигини бола

тушуниб унга ёрдам беришга шошилаётганлиги ўқувчиларнинг ўз оналарига меҳр оқибатли бўлишга ундайди.

Болаларча соддалик билан айтилаётган бу сўзларнинг тагида олам жаҳон мазмун, ғам” алам, ҳис “ туйғу ва катта инсоний қалб борлигини англаб олиш унчалик қийин эмас.

Мелодиянинг матндаги фраза охирида доминантадан тоникага тушиб тугатилиши қўшиқ куйлаётган боланинг мақсадга етганида хотиржам бўлишидан далолат беради.

Мазкур қўшиқни куйлаганда болалар икки қўлини мушт қилиб от жилловини ушлаб бориш ҳолатини ифодалаб беришлари ва айрим ҳолларда чап қўлини олдинга жиллов тутиб тургандай ушлаб, ўнг қўли билан аста отга қамчи босаётган ҳолатни тасвирлаб берса қўшиқнинг мазмунини янада чуқурроқ очиб беришга ёрдам беради. Бу қўшиқ орқали ўқувчилар маънавий-ахлоқий туйғуларини шакллантириш ўқитувчидан катта тажриба ва педагогик маҳорат талаб қилади.

ОЛАТОЙ

Ўртача тез (Moderato)

Ўзбек халқ болалар қўшиғи



Ола-той, була той,

Онам дили қон бўпти,

Мен сени йўрғалатай.

Ёшлари маржон бўпти.

Йўрғалама, чопақол,

Мардонининг ипи йўқ,

Шамолдан ўзиб кетай,

Ипи эмас сепи йўқ.

Тезроқ онамга етай.

“Ёмғир ёғалоқ”

Ўзбек халқ қўшиғи

“Ёмғир ёғалоқ” - болаларнинг фаол қўшиқлари қаторига кирадиган халқ асарларидан бири ҳисобланади. Маълумки, нафақат катталар балки болалар ҳам табиат билан одамларга мурожаат қилгандек суҳбатлашгиси, ўз орзу истакларини баён қилгиси, ундан нажот кутган ҳолатлари ҳам бўлади. Масалан, шамол турганда болалар унга ошкора мурожаат қилиб. “Шамол, шамол, бағринг камол!”, ёки варрак учираётганда улар “Шамол, шамол, бағри камол, варрагимни баланд олиб чиқ!” дейишади.

Ёмғир ёққан пайтларда болалар ва қизлар яланг бош кўчага боши хўл бўлгунча юришади ва ёмғирга мурожаат қилиб “Ёмғир, ёмғир, сочимни ўстир” деб мурожаат қиладилар. Ёмғир ҳақида улар ўзларининг қадимдан қолган кўшиқларини куйлайдилар.

Ёмғир ёғалоқ.

Эчки соғалоқ.

Подачини қизини,

Қорни юмалоқ.

Ёки (Бойнинг ўғлини

қорни юмалоқ).

Айрим халқ кўшиқларини замон руҳига мослаштириш мақсадида унинг сўзларини ўзгартириб куйлаш ҳоллари ҳам учрайди. Айнан шу “Ёмғир ёғалоқ” кўшиғи шоир Ш.Саъдулло томонидан замонавий руҳ олган, композитор С.Бобоев халқ мотиви асосида кўшиқнинг мусиқасини ҳам қисман ўзгартирган. Кўшиқнинг бу қайта ишланган варианты ҳам болалар ўртасида кенг тарқалиб, халқ кўшиқлари даражасида қабул қилинган.

Ёмғир ёғалоқ

Тез

Болалар ўйини



Ёмғир-ёғалоқ,

Ариқлар тўлар,

Ям-яшил ўтлоқ.

Зўр анҳор бўлар.

Энди экинлар,

Сув сероб экан,

Чиқарар қўлоқ.

Кўп пахта унар.

“Бойчечак”

Ўзбек халқ қўшиғи

Бу қўшиқни куйлашдан олдин унинг келиб чиқиш тарихига қисқача тўхталиб ҳикоя қилиб бериш тавсия этилади.

Фольклоршунос олим (М.Алавия, Р.Абдуллаев) ларнинг таъкидлашича, Марказий Осиё халқлари (ўзбек, қозоқ, қирғиз, қорақалпоқ, туркман, тожик, қозоқ, авғон) орасида баҳорнинг бошланганини белгилаб берувчи, нишона “бойчечак” гули ҳақидаги болалар қўшиғи қадимдан айтилиб келинади. қорлар эрий бошлагандан дастлабки баҳор кунларида болалар боғларга чиқишиб бойчечак териб келишган ва эндигина куртак боғлай бошлаган тут ёки тол новдаларидан кесиб олиб унинг учига кичкина - кичкина гулдастачалар қилиб боғлашиб қишлоқ одамларига тарқатишган ва бойчечак қўшиғини куйлашган. Катталар гулдасталарни олиб ҳидлашган.

“Омонлик, сомонлик,

Ҳеч кўрмайлик ёмонлик,

Элу юртимиз омон бўлсин,

Келаси йил шу кунларга,

Эсон омон етиб олайлик”

деб дуо қилишган. Болаларга раҳмат айтишиб, уларга турли ширинликлар улашганлар ёки пул беришган. Болалар бу пулларни ўзаро бўлишиб олишган, ширинликларни эса ўртага қўйиб меҳмондорчилик қилишган.

Бойчечак қўшиғининг сўзида ҳам катта мазмун ётади. Хусусан биз уни ўқувчиларга қуйидагича талқин қилиб бериш лозим;

Бойчечагим бойланди,

Қозон тўла айрондир.

Айронингдан бермасанг,

Қозонларинг вайрондир.

Одатда бойчечак гулларини битта-битта олиб юришади, ёки кичкина дастача қилиб боғлаб олишади. Одамларга бойчечак тарқатиб юрган болалар хонадоннинг бой-бадавлат, тўкин яшашлигини қозон тўла айронга ўхшатишади. Ундан болаларга озгинадан қуйиб берилса айрони камайиб қолмаслигига ишора қилишади.

Агар хонадон соҳиблари хасислик қилиб болаларнинг кўнглини олишмаса улардан ранжишини ва эл-юрт удумини ҳурмат қилмагани учун уларни ўзларича қарғаб кетишлигини айтмоқчи бўлишади.

Қаттиқ ердан қатлаб чиққан бойчечак,

Юмшоқ ердан юмалаб чиққан бойчечак.

Болаларга меҳрибонлик қилган хонадонларни улар “қаттиқ ердан қатлаб чиққан бойчечакка”, берадиган ширинликларини тезгина олиб чиқадиган сахий хонадонларни “юмшоқ ердан юмалаб чиққан бойчечак” ка ўхшатишади.

Бойчечакни тутдилар,

Тут ёғочга осдилар.

Қилич билан чопдилар,

Бахмал билан ёпдилар.

Бу куплетда бойчечакни дастача қилиб боғлангани уларни тутиб олиб боғлаб қўйилган кишиларга, тут ёки тол хивчинига боғлаб олиб юрилганини одамларни тутиб боғлаб олинганига қиёс қилинади. Бойчечакнинг япроқларида тарам-тарам из худди кишиларнинг қилич изларидан қолган чандиқларга ва унинг майин гуллари юмшоқ ва силлиқ бахмалга ўхшатилади. Ҳақиқатда ҳам унинг гуллари бахмалга ўхшайди. Бу ерда бойчечак гули қаҳрли ва меҳрли инсонларнинг феъли атворидаги зиддиятларни эслатади. Бу қўшиқ мазмунига кўра бадфеъл одамлардан аччиқ аламлар кўрган ва саҳоватли одамлардан чексиз меҳру-оқибат кўрган кишилар томонидан яратилган ва ўз дардини одамларга болалар тили билан айтаётган бу сўзлар ёмон одамларнинг ёмонликларини ёдига тушириб уларни уйлантиради ва безовта қилади. Яхши одамларнинг яхшилиги, меҳр оқибатини ҳам уларнинг ёдига солиб уларни хотиржам қилади ва яхшилик ҳеч қачон одамларнинг ёдидан чиқмаслигини уларга яна бир бор эслатади.

Асарнинг речитатив тарзидаги боғланиши фикрни бир меъёردа баён қилишга имкон берса, учинчи қаторнинг охиридаги кварта сакраб яна пастга тушиши қўйилаётган шартнинг муҳимлигини ва тўртинчи мелодик чизиқнинг пастга томон тушиши оқибатнинг ёмонлик билан тугаши мумкинлигини англаб олишга имкон беради.

БОЙЧЕЧАК

Ю.Раджабий. ЎзХМ., 3-том



Бой- че- ча- гим бой-лан-ди, Қо-зон тў-ла ай-рон-дир, Айронингдан



Бойчечаким бойланди,

Қаттиқ ердан

Қозон тўла айрондир,

Қазлаб чиққан бойчечак

Айронингдан бермасанг

Юмшоқ ердан

Қозонларинг вайрондир.

Югуриб чиққан бойчечак.

Бойчечакни тутдилар,

Тут ёғочга осдилар.

Қилич билан чопдилар,

Бахмал билан ёпдилар.

“Лайлак келди”

Ўзбек халқ болалар ўйини

“Лайлак келди”- асари болаларнинг севиб куйлайдиган халқ кўшиқларидан бири ҳисобланади. Унда болаларга хос ритмик туйғулар ҳаётий воқеълик, яъни лайлакларнинг мовий кўкда парвоз қилишини кўриб севинч ҳисларини яшира олмай уларга қараб болаларча куйлашлари билан боғланиб кетади. Болалар бир-бирларига кўшилишиб осмондаги лайлакларга қарата бир овоз билан, гўё лайлаклар эшитадиган қилиб, куйлайдилар.

Муסיқа дарсларида болаларга бу кўшиқнинг сўзи ва муסיқасини ўргатиб кўйиш уларнинг ҳаётига янада бойроқ мазмун киритган бўлар эди. кўшиқ орқали она Ватанимизнинг бепоён осмони, унга бетакрор нафосат олиб келувчи қушлари, турналар, лайлакларнинг парвозига хос муқаддаслик ҳисларини сингдириш имкони пайдо бўлади.

Мактаб шароитида ҳар йили “қушлар куни” байрамини ўтказиш удум бўлиб бораётган бир даврда “Лайлак келди” кўшиғини ўрганиш байрам дастурининг янада мукамал бўлишига имкон беради. Баҳор, ёз ойларида болалар варрак учирни хуш кўришади ва бу кўшиқда лайлакнинг қанотлари ўз варрагига ўхшаб кетишини кўриб улар янада кўпроқ завқ оладилар.

Лайлак қадим қадимдан турли эртак ва афсоналарда бахт олиб келувчи қуш сифатида таърифланади ва шунинг учун ҳам уни илоҳий фаришталарга тенглаштириб “биби ҳожи” деб талқин қилишади. Унинг қурган инини бузиш гуноҳ ҳисобланади.

Лайлак одатда тумшукларидан ноғорага ўхшаб тарақлайдиган овоз чиқаради. Шунинг учун ҳам уни баъзан ноғорачига ҳам ўхшатишади. Аммо қиш кела бошлаши билан уларнинг тарақлатиши ҳам камая бошлайди ва совуқ туша бошлаши билан қанотлари қисилиб, жунжикиб қолади. Кўпгина лайлаклар айрим қушлар сингари иссиқ ўлкаларга учиб кетмайдилар ва дарахтлар, миноралар, сим ёғочларнинг тепаларида қурган инларида қишлайдилар.

Лайлакнинг қулоқлари ҳам ярим халқасимон бўлади ва у сувда бир оёқда турганида ҳам оёғи атрофида сув юзида халқачалар ҳосил бўлади. Бундай кўриниш гўё у халқасини сувга тушириб қўйгандай туюлади.

Болаларнинг лайлакларни яхши кўришларига яна бир сабаб улар одатда болаларни безовта қилувчи, болаларнинг чўмилишларига ҳалақит берувчи илонларнинг кушандаси ҳисобланади. Илонлар лайлаклар учун севимли таом ҳисобланади.

“Лайлак келди” асарининг муסיқий матни ҳам болаларнинг куйлашлари учун қулай ва унда ўзбек халқ мелодиясининг энг нодир намуналари ўз ифодасини топган. Хусусан, кварта пастга ва юқорига сакрашлар ўзбек мелодик ҳаракатининг типик бир бўлаги ҳисобланади. Унда юқориги “ре” дан пастки “фа” га тушиш болалар учун бир оз қийинчилик туғдириши мумкин ва қўшиқ қизиқарли бўлгани учун уни бартараф қилиш унчалик катта қийинчилик туғдирмайди.

Анъанавий савол-жавоблар қўшиқнинг мазмунидан болаларнинг маънавий-ахлоқий хулосалар чиқариб олишларига имкон беради.

ЛАЙЛАК КЕЛДИ

Вазмин

Ўзбек халқ болалар ўйини



Лайлак келди - ёз бўлди,

Мен Биби ҳожи эдим,

Қаноти қоғоз бўлди.

Қизларнинг тожи эдим.

Дала-даштлар қулф уриб,

Қизлар ўйин тушганда.

Дарё бўйи соз бўлди.

Мен ноғорачи эдим.

Лайлак келадур тоққа

Ноғорам бузилди.

Қулоқларида ҳалқа

Занжирлари узилди.

Ҳалқаси тушиб қопти,

Ноғорачи ўрнига

Тоғиб берсангиз, олқар.

Лайлак бўйим чўзилди.

“Лола”

Ўзбек халқ қўшиғи

“Лола” - халқ қўшиғи асосан баҳор фасли билан боғланган қўшиқ бўлиб, унда лола сайлига чиққан қиз-йигитларнинг кўнгил очар маросими тасвирланган. Лола байрамини ўтказиш қашқадарё ва Сурхондарё воҳалари халқларига мансуб бўлган қадимий маросимдир. Лола сайли одатда Наврўз байрамининг биринчи куни ўтказилади. Бунда бутун маҳалла катта тепаликка йиғилишиб, қўй сўйишиб “Дарвишона” қилишади. Барча каттаю-кичик шу куни имкони борича янги миллий кийим-кечакларни кийиб келишади. Тепалик байрамона тус олади. қизчалар сочларини майда ўришиб, бошларида йўрмадўзи, ироқи дўппилар, атлас кўйлак ва бошқа либосларни кийиб чиқишади. Ўғил

болалар ҳам бошларига дўппи, оқ яхтакча, оёқларига махси этикчалар кийиб олишади. Катталар ҳам асосан ўз маҳалласига хос миллий кийимларда бўладилар.

Маросим давомида турли чодирлар тикилади. Дошқозонлар осилиб катталар меҳмондорчилик учун жой ҳозирлайдилар, таом тайёрлайдилар. Болалар лола теришга чиқишади. Улар лола, қизғалдоқ, чучмома, бойчечак ва бошқа баҳор гулларида теришиб гулдасталар ясашади ва тепалик устида давра қуришиб ўзлари билан баҳорий-мавсумий қўшиқларини куйлашиб ўйинга тушадилар. Муҳими, бунда ҳеч ким тортиниб ўтирмай қўшиқларга билса билмасалар ҳам қўшилиб куйлайверишади, ўз хоҳишлари билан рақсга тушадилар ва гулдасталарини қўлларида кўтариб йўл бўйи қўшиқ куйлаб катталар олдига келадилар. Сўнгра улар дастурхонга таклиф қилинади. Ҳамма биргаликда ўтириб байрамона тайёрланган дастурхондан баҳраманд бўладилар. Баҳор таомлари ҳалим, сумалак, ярма, исмалоқ сомсалар, ялпиз сомсалар, гўжа оши, турли рангларга бўялган тухумлар, чўзма, юпқа, қатлама, патир, бўғирсоқ, чак-чак, нишолда ва бошқа таомлардан иборат тўкин дастурхонга марҳамат қиладилар.

Шундай байрам давраларида куйланадиган қўшиқлардан бири “Лола” қўшиғидир.

Бу қўшиқда “лолажон” нинг ўсар жойи далада эканлиги яшаш учун курашиш, ёмғир ва жалаларга чидаганлиги, болалар уларни жалалардан-селлардан қўрқмасликка, ўғил-қизлар уларни юлиб олишса қўрқмасликка чақиради. Чунки улар юлиб олинган лолаларни увол қилиб сўлителиб ташлаб юбориш учун эмас, қизларнинг чаккасига тақишиб уларни ясантиришга хизмат қилиши ҳақида куйлашади. Зеро, гулларнинг ҳам асосий ҳаётий вазифалари инсон гўзаллиги, шодлиги, бир-бирларига кўрсатиладиган ҳурмат эҳтироми учун хизмат қилиши лозим.

Лолаларга бағишланган бу қўшиқни таҳлил қилиш жараёнида халқнинг баҳор байрами билан боғлиқ бўлган энг қадимий анъаналаридан бири “Лола

сайли” қандай ўтказилиши ҳақида ўқувчиларга тушунча бериб борилади. Айни пайтда халқ анъаналарида қатнашиш ва унга ўз хиссасини қўшишга ўргатиб одатлантириб борилади. Бу анъаналарда қатнашиш ўқувчилар-нинг қалбида битмас туганмас шодлик манбаининг булоғига кўз очади. Унинг қалбида гўзал Ватанимиз, унинг сўлим қирлари, дилбар табиати, бебаҳо зукко халқи билан биргаликда бўлишга ундайди. Зеро, бу хислар инсон маънавий ахлоқий тушунчаларини ўз замирида сақлайди.

ЛОЛА

Ўртача тез

Ўзбек халқ қўшиғи



Ло- ла ло- ла ло- ла- жон Ў- сар жо- йинг да-ла-да

Ло-ла ло- ла ло- ла- жон чи- да- динг-ми жа- ла-га

жа-ла ёғ- са қўрқ-ма- гил, Сел-лар оқ- са қўрқ-ма-гил

Чи-ро- йи-ни о- чай деб, қиз-лар тақ-са қўрқ- ма- гил.

Лола, лола лолажон,

Жала ёғса қўрқмагил,

Ўсар жойинг далада.

Селлар оқса қўрқмагил.

Лола, лола, лолажон,

Чиройини очай деб,

Чидадингми жалага.

Қизлар тақса қўрқмагил.

“Қуён”

Ўзбек халқ болалар ўйин қўшиғи

Бу ўйинни ўйнаганда болалар доира шаклида қўл ушлашиб туришади. Болалардан биттаси давра ўртасига ўтириб олади ва у қуён ролини бажаради. Болалар қуённинг атрофига арча атрофини айлангандай қўл ушлашиб, айланишади ва шу қўшиқни куйлашади.

Қуёним, қуёним нима бўлди,

Касалга ўхшаб ўтирибсан.

қаторларида қуён ролини ўйнаётган бола ўзини касалга солиб, у ёқ бу ёққа энгашади, бошини ушлайди.

Барра ўтлар йўқмиди,

Ё эса қорнинг тўқмиди.

қаторларида қўллари билан атрофида ўт йўқлигидан қорнига нафас тўплаб, қўллари билан қорнини силайди ва қорнининг тўқлигини кўрсатади. Шундан сўнг болаларнинг:

Битта ўйнаб бер,

Битта ўйнаб бер.

деб илтимос қилганларидан сўнг “қуён” у ёқ бу ёққа қуёнга ўхшаб сакрайди ва болалардан бирини маҳкам ушлаб олади.

Биринчи куплетнинг охирида ҳам у ўйинга унчалик рўйхушлик беравермайди.

Асарнинг иккинчи куплетида яна биринчи куплетдаги дастлабки икки қатор айнан қайтарилганлиги учун у яна ўзини касалликка солади.

“Ёки бировдан кўрқдингми?

Ё ҳеч ҳадигинг йўқмиди?”

қаторларида аввал у ёқ бу ёққа қараб ҳадиксираган бўлади ва болаларнинг “Битта ўйнаб бер” деб илтимос қилганларига кўра у қуёнга ўхшаб сакраб-сакраб ўйнай бошлайди. Шу пайтда болалар унинг рақсига қарсак чалиб туришади. “қуён” энди ўзи ёктирадиган болалардан бирини танлаб ушлайди ва уни даврага тортади. Энди ўртага тортилган бола қуён қиёфасига киради. Ўйин даврадаги барча болалар қуён ролини ўйнаб бўлмагунларича давом этаверади. Ҳамма қуён ролини ўйнаб охирига етказганларидан сўнг биргаликда қарсак чалишиб ўйинни яқунлашади. Бу ўйинда ҳамма болалар фаол иштирок этадилар ва “қуён” бўлган боланинг қилиқларини кўрсатиб берадилар ва уни ўз фикрини ошкора айтиб берадилар. Ҳазил мутойиба гаплар айтишади. Бу қўшиқни қуйлаганда ҳар гал болаларнинг бирдай ҳамжиҳат бўлиб қуйлашларига ва куплетлар охирида “битта ўйнаб бер” сўзининг илтимос оҳангида бўлишига ва учрайдиган соф кварта интервалининг тўғри қуйланишига алоҳида эътибор бериш лозим бўлади.

Синфда қўшиқни қуйлаганда ўқувчилардан 5-6 тадан доска олдида чиқариб ўйинни жонли бажаришларига имкон берилса, янада мақсадга мувофиқ бўлади.

ҚУЁН

Ўртача тез

Ўзбек халқ болалар қўшиғи



Куёним, куёним, нима бўлди,

Касалга ўхшаб ўтирибсан.

Битта ўйнаб бер,

Битта ўйнаб бер.

“Бухорча II”

Ўзбек халқ кўшиғи

Ҳар бир регионга хос халқ кўшиқлари мавжуд бўлгани каби Бухоронинг ҳам ўзига хос ашулачилик мактаби ва бой мусиқий мероси мавжуддир. У ўзбек мусиқий қадриятларининг бой анъаналаридан бири ҳисобланган. Шашмақом туркумларининг яратилиши ҳам Бухоро билан бевосита боғлиқ ва шунинг учун ҳам одатда уни Бухоро Шашмақоми деб юритилади. Халқ кўшиқларига бой бу халқнинг ҳам аллалари, ёр-ёрлари, тўй мубораклари, яллалари ва бошқа турли жанрдаги асарлари мавжуд.

Бухорога хос жанрлардан яна бири бу “Мавриги” жанридир. Шунингдек, кўплаб болалар кўшиқлари ва халқ кўшиқлари ҳам мавжуд. Шундай кўшиқлардан бири “Бухорча II” дир.

“Бухорча II” кўшиғида ўсиб келаётган уч опа сингил ҳақида сўз юритилади. кўшиқнинг мелодияси ҳам енгил, болаларча шўх, рақсона уфортарзида берилган. кўшиқда баҳор фаслида ёш қизчаларнинг ариқ бўйига гул териш учун чиққанлиги ва уларнинг ҳар бирини баҳор гулларига қиёс қилиш мумкин эканлиги ҳақида фикр юритилади. Зеро, ўзларининг хушбичим-лиги, хушчиroyи, нафислиги ва латофати билан улар баҳор гуллари лола, сумбул ва бошқа гулларга ўхшайди. Бунда инсон гўзаллиги табиатга қиёс қилинади. Ваҳоланки, инсон ҳам она табиатнинг жонли ва онгли бир бўлагидир.

Ўқувчиларга бу кўшиқни ўргатиш жараёнида ҳар бир қизнинг диди ҳақида ҳам сўз боришини уқтириб ўтиш лозим бўлади. Олти ёшга кирган биринчи қизнинг ўзи мактаб ёшига келиб эндигина биринчи синфга ўқишга кириши мумкин бўлган ёшдалиги, иккинчиси ҳам она табиатига меҳр қўйиб она

Ватанимиз бағрида ўсган гуллардан бирини чаккасига узиб таққанлиги ва унинг гулга бўлган меҳри ифодаланади. Учинчи қиз қўллари белида бўлганлиги, опаларининг қилаётган ишларини кузатаётганлиги ва опаларига бир оз эркалик билан қараб турганлиги ҳақида фикр юритилади.

Бу қўшиқни ўрганишда учала қизларнинг кайфияти ва уларга хос хусусиятларни очиқ бериш мақсадида уни куйлашда ролларга бўлиш услубидан фойдаландик. Бунда ҳар бир роль ўйнаган қиз шу ердаги болаларга хос хусусиятларни ўзларида намоён қила олишлари лозим бўлади.

Қўшиқнинг муסיқаси шўх уфур усулида берилган. Унга рақс тушиш ҳам қулай.

БУХОРЧА II

Шўх

Ўзбек халқ қўшиғи



Уччала қиз чиқди ариқ бўйига,

Бири лола, бири сумбул, бири гул,

Энг каттаси энди тўлди олтига,

Бири лола, бири сумбул, бири гул.

Ўртанчаси чеккасига тақди гул,

Бири лола, бири сумбул, бири гул.

Энг кичиги икки қўли белида,

Бири лола, бири сумбул, бири гул.

“Фабрика”

Ўзбек халқ қўшиғи

“Фабрика” қўшиғи аёллар меҳнатига бағишланган халқ асари ҳисобланади. Унда ўзбек хотин-қизларининг дастлабки фабрикаларга кириб ишлашлари ҳақида сўз юритилади. Ўзбек аёллари учун оддий фабрикаларда ишлаш ҳам катта бахт ҳисобланган бир даврда яратилган бу қўшиқда қуйидагича фикр юритилади:

Фабриканинг йўлидан рўмолча топиб олдим,

Топиб олди деманглар-о меҳнатга сотиб олдим-о

Гулёрахон бўйларибдан гулёра.

Бунда ўзбек аёллари қадимдан ўз ҳалол меҳнатлари билан яшаб келганлиги ва ҳалол меҳнат эвазига сотиб олинган оддий рўмолча ҳам уларга қанчалик бахт ва севинч келтирганлигидан далолат беради .

Фабриканинг эшиги-ё очилса ёпилмайди,

Фабриканинг қизлари-ё червонга сотилмайди-ё

Гулёрахон бўйларибдан гулёра.

Бу мисраларда фабрикалар қандайдир вақтинчалик ишхона эмас, балки доимий хизмат вазифасини ўтайдиган жой эканлиги ҳақида фикр юритилади. Техникани янги эгаллаётган аёлларни енгил табиат деб қараш мутлақо нотўғри эканлиги, яъни ўзбек аёллари ўз ору-номусларини ҳеч қачон пулга сотмасликларини, эл юрт ичидаги обрўсини ҳар доим садоқат билан адо этиб

келганликлари ва юксак унвонларга сазовор бўлаётганликлари ҳақида фикр юритилади.

Илгариги кичик-кичик фабрикалар ўрнини янги техникалар билан жиҳозланган комбинатлар эгаллаётганлиги, Ўзбекистон пахтасини, пилласини толаларини йиғириб, ундан ип, ипак қилиб, турли газлама ва матолар тўқилиб, улардан тайёр жаҳон андозасига мос келадиган кийим-кечаклар тайёрланиб чет элларга ҳам чиқарилаётганлиги ҳақида сўзлаб берилади.

Шу тариқа “Фабрика” қўшиғининг мазмуни тўлдирилиб замонавийлаштирилиб ўқувчиларга сингдирилади. Бу қўшиқ орқали ўқувчиларда ҳалол меҳнатга интилиш, меҳнат кишиларини улуғлаш, уларнинг тайёрлаган меҳнат маҳсулотларини авайлаб асраш, аёллар шаънига ҳурмат билан қараш каби юксак маънавий-ахлоқий фазилатларни таркиб топтириш мумкин бўлади. Бунда қўшиқнинг рақсона шўх мусиқаси ҳам муҳим роль ўйнайди.

ФАБРИКА

Allegretto

Ўзбек халқ қўшиғи



Фаб-ри-ка-нинг йў-ли- дан (о) рў-мол- ча то- пиб ол-дим.



То- пиб ол-ди де- манг-лар, меҳ-нат- га со- тиб ол-дим (о)



Гул- ё- ра- хон бўй-ла- ринг-дан Гул- ёр. Ан-ди-жон-да



ой бо- тар-(о), Мар-ғи-лон-да тонг о-тар, Фаб-ри-ка-нинг қи-зи-ни,



пер-вой гу-док уй-ғо- тар (о) Гул-ё- ра- хон бўй-ла-ринг-дан,



Гул-ёр-(а) Гид-ро су-ви бой-лан- ди-(ё), ма-ши-на-лар



ай- лан- ди, Ўз-бе- кис-тон қиз-ла- ри Фаб-рик-лар-га



жой-лан- ди-(ё) Гул-ё- ра-хон бўй-ла-ринг-дан, гул-ёр.

1. Фабриканинг йўлидан (о),

Рўмолча топиб олдим.

Топиб олди деманглар,

Меҳнатга сотиб олдим (о),

Гулёрахон бўйларингдан, Гулёр.

2. Андижонда ой ботар (о),

Марғилонда тонг отар.

Фабриканинг қизини

Первой гудок уйғотар (о),

Гулёрахон бўйларингдан, Гулёр.

3. Гидро суви бойланди (ё),

Машиналар айланди.

Ўзбекистон қизлари,

Фабрикларга жойланди (ё),

Гулёрахон бўйларибдан, Гулёр.

4. Рўмолимнинг учини (ё)

Тугмагангга тугдирай,

Фабрикага кириб олиб,

Душманларни куйдирай (ё),

Гулёрахон бўйларибдан, Гулёр.

“Рамазон”

Ўзбек халқ қўшиғи

Республикаимиз Президенти И.А.Каримов диний урф-одатларимизнинг зарур ҳаётий ўрнини ҳис қилган ҳолда 2000 йилнинг рамазон ойига тўғри келадиган биринчи ўн кунлигини (яъни, 31-декабрь 1999 йилдан 10 март 2000 йилгача) меҳр-саҳоват йили деб эълон қилдилар ва шу давр ичида барча давлат кишиларибнинг кам таъминланган оилаларига (“Питр рўза” сифатида) ёрдам беришга даъват қилдилар. Шунинг ўзи рўзаи-рамазон ойларибнинг нақадар улуг ва муқаддас кунлар эканлигидан ва бу урф-одатларнинг диний эътиқоднинг юксак маънавий-ахлоқий қудратга эга эканлигидан далолат беради. Янгиланган жамиятимизда фақат бир хил дунёқарашили тарғиб қилиш ва унга гегемонлик ҳуқуқини бериш инсоннинг эркин фикрлаши виждон ва дин эркинлигини чегаралашдан иборат бўлар эди. Зеро, Ислон дини бизнинг оталаримиз эътиқоди- онги, муслмонларнинг ҳаётий тириклик манбаи.

Ўзбекистон Республикасида дин эркинлигига кенг йўл очиб берилди. Хусусан, Маккага ва Ҳажга бориш учун барча қулайликлар яратилди. Номоз ўқиш, диний байрамларни ўтказиш, рўза тутиш ҳар кимнинг ўз ихтиёрида.

Ўзбек халқининг ва шу қатори бир қанча Ўрта Шарқ давлатларини халқ бисотидан маълум бир қисмини диний маросим қўшиқлари эгаллайди. Хусусан, қироат, зикр, рамазон қўшиқлари ва ҳ.к.

Болалар ўртасида кенг тарқалган халқ қўшиқларидан бири рамазон қўшиқларидир. Рамазон қўшиқлари барча мусулмон давлатларида мавжуд бўлиб, турлича куйлансада улар мазмуни жиҳатидан бир-бирларига мос келади ва одатда болалар томонидан айтилади.

Санъатшунос олим Р.Абдуллаев турли миллат халқларига мансуб бўлган рамазон қўшиқларининг бир қанчасини нотага ёзиб олган ва ўзининг докторлик диссертациясида батафсил таҳлил қилиб берган. “Ё рамазон”, “Жарамазан” номлари билан турли регионларда турлича аталадиган ва турлича куйланадиган бу қўшиқларнинг асл мазмунида халқнинг урф-одатини сақлаб қолиш ва унга амал қилган ҳолда ўз руҳиятини қондиришдан иборатдир [18.-42 б.].

Хусусан, рамазон қўшиқларини куйлаш учун одатда ўғил болалар оғиз очар пайтида тўпланишиб, уйма-уй юришиб “Рамазон” айтишади. Хонадон эгалари болаларга турли ширинликлар, мева-чева, нон, чўзма, патир, конфет ва бошқа таомларни олиб чиқиб беришади ва болалар уларга ўз раҳматларини айтиб кетишади.

қашқадарё вилояти, қарши тумани, Шойхўжа ва Яккаёғоч қишлоқларида рамазон қўшиғи бир оз тезроқ уфур усулида куйланади, ҳамда у мелодик жиҳатдан ҳам матн жиҳатидан ҳам кескин фарқ қилади. Уларга хос умумийлик рамазон қўшиқларининг айнан рамазон ойида куйланиши ва диний урф-одатларимизга хос анъаналарни тарғиб қилишдир. Уларнинг барчасида асосан рўза тутилиши ва халқ орасида кенг тарқалган удум ҳақида болаларнинг кўпчилик бўлиб куйлаши характерлидир.

РАМАЗОН

Қашқадарё варианты

Ўртача

(М.Исмоилова нотага олган)



Рў-за-ни уч кун ту-тиб кел-дик сиз-га Рў-за-ни

за-ко-ти-ни бе-ринг биз-га. Оқ тан-га кўк тан-га

тез-роқ чи-қинг жон ян-га Оқ та-ма-ки

кўк та-ма-ки Чи-қа-ра-қо-линг жон а-ма-ки.

Рўзани уч кун тутиб келдик сизга

Рўзани закотини беринг бизга

Рўза ҳам ўттиз кунлик меҳмондир

Рўзани тутмаганлар нодондир

Рамазон айтиб келдик эшигизга

Худойим ўғил берсин бешигизга

Пайғамбарнинг ўн бир ўғли бор эди.

Ҳаммасидан Шойиси гулзор эди.

Шойисини тоққа олиб чиқдилар.

Жарга отиб бўри еди дедилар.

Онаси йиғлаб чиқди жар бошига

Отаси йиғлаб чиқди гўр бошига.

Оқ танга кўк танга

Тезроқ чиқинг жон янга.

Оқ тамаки, кўк тамаки

Чиқарақолинг жон акаки.

Рамазон сўнгида болалар ширинликларни ўзаро бўлишиб олишиб баҳам кўришадилар ва уй-уйларига тарқалишадилар. қишлоқ хонадонларининг бирортасини қолдириб рамазон айтмаслик шу оилага нисбатан болаларнинг ҳурмати йўқлигини кўрсатувчи белги ҳисобланиши ва шунинг учун ҳам рамазон айтувчилардан айрим пайтларда “нега бизнинг уйимизга рамазон айтмадиларингиз?” деб одамлар сўраб ҳам қўйишади.

Рамазон қўшиғи Тошкент вилояти Оққўрғон тумани, Сувчи қишлоғида марш оҳангига яқин характерда куйланади.

Жарамазан айтаман эшигингга,

Худойим ўғил берсин бешигингга.

Жарамазан айтган билан тўямизми,

Бурунгининг қасамини қўямизми,

Муҳаммад умматингга жарамазан.

Халқ урф-одати билан чамбарчас боғланган бу қўшиқни куйлаш ўзига хос удум бўлиб, уни тиланчилик қилишнинг бир тури деб қараш мутлақо ярамайди.

Болаларга берилган совғаларга қараб уларга кўпчилик бўлиб ўз миннатдорчилигини билдирадилар.

Эшигингиз ортида ой кўрдим,

Ҳаммадан сизни бой кўрдим.

Хасислик қилувчи ёки болаларни менсимайдиган, урф-одатларни ҳурмат қилмайдиган оилалардан

“Борми йўқ?”, “очми тўқ?” дея ранжиб кетиш ҳоллари ҳам бўлади.

Одатда болалар рамазон қўшиқларини ўзлари билганларича айрим пайтда пала-партиш сўзлар билан ҳам куйлай беришади ва унинг оҳангини баъзан бузиб куйлайдилар. Халқимизнинг урф-одатларга хос бўлган бундай қўшиқларни болалар билан куйлаш шу урф-одатларнинг янада мукамалроқ ва мазмунлироқ бўлишига имкон беради.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, “Рамазон” қўшиғи турли регионларда турлича куйланишини ҳисобга олган ҳолда қўшиқнинг шу регионга мос вариантини танлаб олиш мақсадга мувофиқдир.

5-7-синф ўқувчиларига мўлжалланган ўзбек халқ қўшиқлари

“Қизлар тўй хори”

“Бўрон” операсидан С. Василенко

ва М.Ашрафий мусикаси.

М. Ашрафийнинг “Бўрон” операсидаги икки қисмдан иборат “қизлар тўй хори” ҳам айнан халқ кўшиқлари асосида яратилган. V синф ўқувчилари билан ўтган дарслардан бирида бу материалдан унумли фойдаландик.

Олмача қизлар-о, ойимча қизлар-о

Пистоқи шоҳини-ё танлайди қизлар.

Лирик кайфиятда куйланадиган бу кўшиқ икки қисмдан иборат бўлиб, иккинчи қисмида шўх ва ўйноқи бошқа халқ кўшиғи билан алмашинади.

Боғ айланиб шафтоли-ё, кўзибойжон,

Учган кимнинг каптари-ё кўзибойжон.

Айтсам адо бўлмайди-ё кўзибойжон,

Шу қиз боланинг дафтари-ё кўзибойжон.


Бу халқ кўшиқлари ўзларининг оддий ва енгил куйланиши билан қизларга хос шўхлик ва ўйноқилик кайфиятини очиб беради. қизлар ҳаётидан олинган бу лавҳани фойдаланилган халқ кўшиқларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Бу картинада ўзбек қизлари ҳаётига оид эҳтирос, ғурур, шаддодлик, соддалик, софлик ва самимийлик ифода этилади. Ўқувчилар халқ орасига сингиб кетган бу халқ кўшиқлари билан янги бир ҳолатда дуч келадилар ва улар орқали ҳаётини воқеъликни образли тасаввур қиладилар. Ёқимли ва майин куйларнинг рақсона характердаги кўшиқ билан кўшилиб кетиши воқеъликни янада ривожлантиришга қизлар тўй тантанасининг авжга чиқишига имкон беради. Бунда ўқувчилар сахна асарларининг энг мураккаб тури бўлган операда ҳам ҳар куни гувоҳи бўлаётган воқеъликларга ўхшаш ҳаётини эпизодлар берилишининг гувоҳи бўладилар ва уни идрок қилиш ўқувчиларга ҳеч қандай қийинчилик туғдирмайди. Ҳатто жўрликда бериладиган вариациялар чолғучилар учун мураккаблик туғдирадиган аккордлар ва бошқа техник қийинчиликлар халқ куйига маҳлиё бўлиб қолган болаларга одатий бир ҳолдай туюлади.

ҚИЗЛАР ТЎЙ ХОРИ


“Бўрон” операсидан С.Василенко ва М.Ашрафий мусиқаси



Ол-ма- ча қиз- лар (о), О-йим-ча қиз-лар (о),




Пис-то-қи шо- ҳи- ни (ё) тан-лай-ди қиз- лар.




Ан- ди-жон-дан на- ри Ўш-нинг бо-зо- ри- (ё),




шу ва-қ(и)т-нинг қиз-ла- ри-(ё) ху-до бе-зо- ри.




Ол- ма- ча қиз- лар (о) о- йим-ча қиз-лар (о)



пис- то-қи шо- ҳи- ни (ё) тан-лай-ди қиз- лар.



Ўн беш-га кир- мас- дан ку- ёв тан-лай- ди (ё),



шо-ҳи и-пак- лар ё- пиб, бе- шик ту-зай- ди.

Олмача қизлар-о, ойимча қизлар-о

Пистоқи шоҳини-ё танлайди қизлар.

Андижондан нари, Ўшнинг бозори-ё

Шу вақтнинг қизлари-ё худо безори.

Н а қ а р о т :

Ўн бешга кирмасдан, куёв танлайди-ё

Шоҳи ипаклар ёпиб бешик тузайди.

Н а қ а р о т :

Боғ айланиб шафтоли-ё қўзибойжон,

Учган кимнинг каптари-ё қўзибойжон.

Айтсам адо бўлмайди-ё қўзибойжон,

Шу қиз боланинг дафтари-ё қўзибойжон.

Рўмолимнинг учини-ё қўзибойжон,

Тугмаганга тугдираман қўзибойжон.

Қошимга ўсма қўйиб-о қўзибойжон,

Куймаганни куйдираман, қўзибойжон.

Айтсам адо бўлмайди-ё қўзибойжон

Шу қиз боланинг дафтари-ё қўзибойжон.

“Овозинг сени”

“Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам” достонидан

“Овозинг сени” -халқ кўшиғи Хоразм ашулачилиқ мактабига мансуб бўлган кўшиқлардан бири ҳисобланади. Мазкур кўшиқ “Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам” достонидан олинган. Маълумки ҳар бир достонда ўнлаб халқ кўшиқлари учраб туради. Айрим ҳолларда улар мелодик жиҳатидан бир-бирларига жуда ўхшаб кетадилар. Аммо уларни айримлари мелодиясининг гўзаллиги ва ўзига хос мустақиллиги билан ажралиб туради. Шундай халқ кўшиқларидан бири “Овозинг сени” кўшиғи мелодиясининг жозибадорлиги билан фарқланади. Айниқса асар сўзларидаги мантикий мазмуннинг кучлилиги тингловчини ўзига тортади. Сўз ва мусиқанинг бир-бирига чамбарчас боғланиб келиши кўшиқнинг бетакрор нафосатини таъминлашга хизмат қилади.

Унда онанинг узоқ вақтдан бери йўқотиб юрган боласини сирли, бошқача бир қиёфада кўриб унга мурожаат қилиши, онанинг қалби номаълум меҳмоннинг ўз фарзанди эканлигини сезиб турганлиги, ўртадаги катта истиҳола уни қучиб ўз бағрига босишдан сақлаб турганлиги, “Болама ўхшайди овозинг сени” дея мурожаат қилиши нафақат катталар қалбида, балки болалар юрагида ҳам ғулғулалай бир психологик ҳолат ҳосил қилади.

Кўшиқнинг ялинчоқ оҳангда эзилиб куйланиши асар мазмунини очиб берувчи кучли восита ҳисобланади.

Мазкур асар халқ ўртасида кенг тарқалган, қайта-қайта куйланиб сайқал топган. Айниқса Республикада хизмат кўрсатган артист Қомуна Исмоилова ижросида уни тинглаш кишини бевосита онанинг қалбида туғён ураётган фарёдни англаб етишга имкон беради.

Ашуланинг мелодик жозибаси бошқа жанрларда ижод қиладиган композиторларни ҳам ўзига жалб қилганлиги боисдан симфония яратувчи композитор Мирсодиқ Тожиев ўзининг III симфониясида мазкур асар

мелодиясидан бевосита фойдаланган. Симфонияда асар мелодияси ўзгача тароват олган. Мелодия симфоник оркестрнинг турли чолғу созлари ва уларнинг гуруҳлари ижросида хилма-хил вариантларда такрорланиб келади ўзига хос янги бир дунё мусикасига айланади.

Ўқувчиларга Хоразм дostonчилиги ва унинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида сўзлаб берилди. Хоразм дostonлари Қашқадарё ва Сурхондарё дostonчилигидан фарқли ўлароқ, бўғиқ овозда эмас, балки очиқ овозда ижро этилиши, дostonнинг тор ёки дотор, баъзан гармон жўрлигида баъзан халқ чолғу асбоблари ансамбли жўрлигида ижро этилиши ҳақида суҳбат олиб борилди. Аҳмад бахши, Рўзимбек Муродов, Қурбон созчи, Қодир созчи ва бошқа дostonчилар ижросида “Ошиқ Ғариб ва Шохсанам”, “Бозиргон”, “Ошиқ Ойдин” каби дostonларни куйлаш Хоразм дostonчилиқ мактабига хослиги ҳақида ҳам ўқувчиларга маълумот берилади.

“Овозинг сени”- халқ қўшиғи орқали ўқувчиларда она ва болалар ўртасидаги меҳр-оқибат, ўзбекона истиҳола каби юксак ахлоқий ҳисларни сингдириш мумкин. Айниқса “Ошиқ Ғариб ва Шохсанам” дostonининг қисқача мазмунини гапириб, қўшиқ айтиладиган ҳолатга уларнинг фикрини йўналтириш, уларнинг қалбида янада бой маънавиятни, ахлоқий тушунчаларни уйғотишга имкон беради.

ОВОЗИНГ СЕНИ

Ўртача

Ошиқ Ғариб ва Шохсанам дostonидан

Халқ ўзи ет- қиз-ган а- зиз меҳ-мо- ним,

бо- ла- ма ўх- шай-ди о- во- зинг се- ни.

Тез ха- ба-рин бер-гил чиқ-мас-дан жо-ним,

Ўғ- ли-ма ўх- шай-ди о- во- зинг се- ни.

Бо-ла- ма ўх- шай-ди но-ли-шинг се- ни

Халқ ўзи етқизган азиз меҳмоним,

Болама ўхшайди овозинг сени.

Тез хабарин бергил чиқмасдан жоним

Ўғлима ўхшайди овозинг сени,

Болама ўхшайди нолишинг сени.

“Арғамчи-гиламчи”

Ўзбек халқ қўшиғи

Бу қўшиқ қашқадарё Сурхондарё вилоятларида кўкламда баҳор келиши билан ижро этиладиган севимли болалар фольклор қўшиғи ҳисобланади. қўшиқда эрта баҳорда турналар осмонда арғамчига ўхшаб учиб келиши ва ўзбек болажонларининг худди турналар каби баҳорни мушток бўлиб кутганлиги ҳақида куйланади. Яна қўшиқда турналар пастлаб учса ҳосилдорликнинг унумли бўлиши, улар баландлаб учса ҳосилдорликнинг пасайиб кетиши, умуман юртимизда турналар учиб юрса ёзимиз салқин келиши ҳақида ўқувчиларга асарни ўргатишни бошлашдан аввал тушунча бериб ўтдик. Биринчи қўшиқ куйини сўзлари билан куйлаб бердик ва сўнгра ўқувчилар жамоасига қўшиқни куйлаттирдик. Ўқувчилар қўшиқни жўшқинлик билан ижро этдилар.

Бу асар асосида ўтилган дарс улар учун қизиқарли дарс бўлди. қўшиқни ўргатиш жараёнида ўқувчиларга ўлкамизда яшайдиган қушларнинг инсонларга келтирадиган фойдаси ҳақида ҳам тушунча бериб ўтдик. Бу халқ қўшиғи ўқувчилар-нинг маънавий-ахлоқий фазилатларини тарбиялашда катта роль ўйнайди.

АРҒАМЧИ-ГИЛАМЧИ

Ўзбек халқ қўшиғи

Ўртача тез

(М.Исмоилова нотага туширган)



1 . Арғамчи-гиламчи,

Арғамчи-гиламчи.

Турна бұйлик болажон,

Кўкаламга тиламчи.

Н а қ о р а т :

Арғамчи-гиламчи,

Арғамчи-гиламчи.

3.Турна десам турумли,

Кенг далага кўнумли.

Турналар учса пастлаб,

Рискинг келарк унумли.

Н а қ о р а т :

2. Турна ўзи кўрумли,

Усти қора бўйни оқ.

Турна учса баландлаб,

Йил келади курумсоқ.

Н а қ о р а т :

Арғамчи-гиламчи,

Арғамчи-гиламчи,

4. Турна тилло тарози,

Обу-ҳавога қози.

Турна учса юртингга,

Салқин келади ёзи.

Н а қ о р а т :

“Оймомо ва Гулнора қўшиғи”

“Ёрилтош” болалар операсидан

С.Бобоевнинг ўзбек халқ эртаклари асосида яратган “Ёрилтош” болалар операсидаги опа-сингилларнинг тошга ёлвориб айтадиган дуэт тарзидаги қўшиқ ўқувчиларда айниқса катта таассурот қолдирди. Кийик боласига айланиб қолган синглиси Гулнорани топиш учун машаққатлар чекиб, меҳри товланиб, опасига интиқ бўлиб куйлаган Оймомонинг қўшиғи ва опасининг унга қарата айтган жавоби болалардан биронтасини ҳам бефарқ қолдирмади. Улар асар қаҳрамонларининг ички туйғуларига шерик бўлишди. Ўғай она ва ўғай оталарга ва бу орқали ёмон кишиларга бўлган ўз муносабатларини, нафрат ва қаҳрларини ошкора намоён қилдилар ва асар ниҳоясида опа-сингилларнинг топишишларидан беҳад хурсанд бўлишиб қарсак чалишиб юборишди.

Шундан сўнг тош ёрилиб опа-сингиллар бир-бирлари билан қучоқлашиб кўришгани ўқувчилар тасаввурида ўчмас из қолдирди.

Бу қўшиқ орқали ўқувчиларда ўз опа-сингилларига, ака-укаларига, ҳамда жигарларига меҳр-муҳаббат ва ахлоқий ҳислатларни шакллантириш мумкин.

ОЙМОМО ВА ГУЛНОРА ҚЎШИҒИ

“Ёрилтош” болалар операсидан

Allegretto

С.Бобоев мусиқаси

Оймомо

Ё- рил ё- рил ё- рил, то- ша,

The first system of the musical score is in D major (two sharps) and 2/4 time. It consists of a vocal line and a piano accompaniment. The vocal line begins with a whole rest, followed by a quarter note G4, a quarter note A4, a quarter note B4, and a quarter note C5. The piano accompaniment starts with a whole rest, followed by a quarter note G3, a quarter note A3, a quarter note B3, and a quarter note C4. The lyrics are "Оймомо" above the first measure, and "Ё- рил ё- рил", "ё- рил,", and "то- ша," across the subsequent measures.

Мен о- пам-ни кў- ра-

The second system continues the musical score. The vocal line has a whole rest in the first measure, followed by a quarter note G4, a quarter note A4, a quarter note B4, and a quarter note C5. The piano accompaniment has a whole rest in the first measure, followed by a quarter note G3, a quarter note A3, a quarter note B3, and a quarter note C4. The lyrics are "Мен о- пам-ни" above the second measure and "кў- ра-" above the third measure.

Гулнора

Меҳ- ри- бон синг- лим

йи- на Дий- до- ри- га

The third system of the musical score is in D major (two sharps) and 2/4 time. It features a vocal line and a piano accompaniment. The vocal line begins with a quarter note G4, a quarter note A4, and a quarter note B4. The piano accompaniment starts with a whole rest, followed by a quarter note G3, a quarter note A3, a quarter note B3, and a quarter note C4. The lyrics are "Гулнора" above the first measure, "Меҳ- ри- бон" above the second measure, "синг- лим" above the third measure, "йи- на" above the fourth measure, and "Дий- до- ри- га" above the fifth measure.

Ой-мо-мо
тў-я-йи-на.


Ё-рил ё-рил,
Ё-рил, ё-рил, ё-рил,
то-ша

ё-рил, то-ша,
мен о-пам-ни кў-ра

мен синг-лим-ни кў- ра- йи- на, йи- на дий- до- ри- га

дий- до- ри- га тў- я тў- я- йи- на.

йи- на, мен синг-лим-ни Мен о- пам- ни кў- ра- йи- на.



“Дангаса”

Ўзбек халқ қўшиғи

“Дангаса”-ҳажвий халқ қўшиғи ўқувчиларда меҳнатга муҳаббат, меҳнатдан қочиб юрувчи дангасаларга нисбатан нафрат ҳисларини тарбиялашда қўл келади. Унда дангасаликка хос бир қатор салбий хусусиятлар санаб ўтилади. Ўқувчилар шеърий матнни таҳлил қилиш жараёнида бу салбий фазилатларни бирма-бир санаб ўтдилар. Хусусан, дангасаларга хос қуйидаги одатлар ўқувчиларнинг таҳлили натижасида юзага чиқарилди. Ўқувчилар дангаса ҳақида қуйидагича фикр билдирдилар:

- Дангасалар фақат кечаси эмас кундуз куни ҳам ухлашни ўзларига одат қилиб олишади.

- Ҳамма ишлаётган пайтда улар бирон салқингина жойни топиб олиб шу ерда шомдек қотиб ухлашни яхши кўришади.

- Ёз бўлаверса-ю, қиш бўлмаса, текин овқат ейверса-ю, иш қилмаса, унинг бу сиридан ҳеч ким воқиф бўлмаса, салқинни ҳеч кимга бермай ухлайверса, ёғлиқ палов, бешбармоқ бўлса, еса-ю ётақолса.

- Дангасалик ёмон одат, шунинг учун ҳам одамларнинг таъна дашномидан, гап-сўзларидан унинг бошига бир кун эмас бир кун тўқмоқ тушиши аниқ.

Ўқитувчи ўқувчиларнинг фикрини шеър мазмунининг нота ёзувларида ифодаланишига қаратади. У асарни ижро этишда дангасанинг шошилмасдан ҳаракатланишига алоҳида эътибор бериш лозимлигини ўқувчиларга уқтирди.

Ўқувчилар дангасалар ҳақида киноя ва ҳажв оҳангини топиб куйлашга ҳаракат қилдилар, айниқса “Бир катта тўқмоқ истар” қаторида “тўқмоқ” сўзини алоҳида таъкидлаб айтиш болаларда завқ-шавқ ҳисларини уйғотди ва шу дангасаларга ўхшаб қолмаслик учун ҳаракат қиламиз, деб ўқитувчиларга ваъда бердилар.

ДАНГАСА

Ўзбек халқ қўшиғи

Шошилмай

А.Б.Васильева қайта ишлаган

Ишдан қочиб сояда,



Кун-дуз ё-тар дан-га-са ю-ра-ги тор дан-га-са- дан- га-

шамдек қотар дан-га-са шамдек қотар дан-га-са хо, хо, хо, хо

са- дан- га- са

хо, хо, хо, хо, хо, хо, хо, хо, хо, хо, хо, хо, хо, хо, хо, хо, хо, хо, хо.

дан- га- са.

1.Кундуз ётар дангаса,

2.Ёз бўлса қиш бўлмаса,

Юраги тор дангаса.

Ош бўлса иш бўлмаса.

Ишдан қочиб дангаса,

Сирлари фош бўлмаса,

Шамдек қотар дангаса.

Турмай ётар дангаса!

3.Салқингина жой бўлса,

4.Ҳар кун бешбармоқ истар,

Қозон тўла мой бўлса.

Ҳаммадан кўп ҳақ истар.

Ёғлиқ палов шай бўлса,

Бир катта тўқмоқ истар,

Ором олар дангаса.

Танқидга зор дангаса.

“Юмалаб-юмалаб”

Ўзбек халқ қўшиғи

“Юмалаб-юмалаб” - халқ қўшиғининг матни VI синф. “Муסיқа” дарслигининг муаллифлари томонидан замон руҳига ва ўқувчилар савиясига мослаб қайта ўзгартирилган.

Биз ўқувчилар билан қўшиқни ўрганишдан олдин “Наташа-хоним” фильмида шу қўшиқни ёш ҳаваскор қиз Ойша томонидан куйланадиган лавҳа борлигини айтиб уларга эслатдик. Рақсга тушган бу қизчанинг, яъни Ойшанинг тақдири ҳақида сўзлаб бериш болаларда жуда катта таассурот қолдирди. Санъаткор бўлиш учун қадимда олиб борилган курашлар- хусусан спектакль қўйилаётган пайтда сахнага Ойшанинг чилим олиб чиқиши ва Музаффарнинг ваҳшиёна ўлими лавҳасини таъсирли қилиб сўзлаб берганимизда ўқувчилар кучли таъсирландилар ва бу қўшиқнинг тақдири қанча воқеаларга боғланиб кетганлиги уларнинг ёдида қолди.

Айниқса унинг ҳозирги кун истиқлол билан боғланиши қўшиққа янгича руҳ ва янгича мазмун бахшида этган. қўшиқда синкопа элементлари кўп учрайди ва айнан шунинг учун ҳам муסיқа назариясидан ўтиладиган синкопа мавзусини у билан боғлаб ўтиш қўл келади.

ЮМАЛАБ-ЮМАЛАБ

Ўзбек халқ қўшиғи



Ю-ма-лаб, ю-ма-лаб, ай-то-ман, ю-ма-лаб кет-сам қай-то-ман

Эл юр-тим-нинг бах-ти-ни қў-ши-ғим-да куй-лай-ман.

Ду-то-рим-нинг тор-ла-ри, қўш бул-бул-дек сай-рай-ди.

У-нинг ҳар бир са-до-си Ис-тиқ-лол-ни куй-лай-ди.

1.Юмалаб, юмалаб айтоман,

Юмалаб кетсам қайтоман.

Эл-юртимнинг бахтини,

қўшиғимда куйлайман.

2.Дуторимнинг торлари

қўш булбулдек сайради,

Унинг ҳар бир садоси,

Истиқлолни куйлайди.

“Хей лола”

Ўзбек халқ қўшиғи

Баҳор куёши дастлаб болаларни қувонтиради. Ердан буғ кўтарилиб, девор четлари, кўчалар, сайхонликлар очилиб, майса-ғиёҳ кўриниши биланок болалар ўйинларини бошлаб юборадилар. Осмонга варрақлар учирилади. кизлар сочларига баргак тақади, болалар тол чивикларини қўл билан укалаб аста пўстини шилиб, ўзларига сивизғалар ясайди. Кичкинтойлар хивчинларни “той”

қилиб минишади. Адирлар, ўтлоқлар кўм-кўк майсага бурканади. қизғалдоқ, чучмомо ва лолалар қирларга қип-қизил алвон тўшайди. Ана шундай кунларда ижро этиладиган баҳор кўшиқларидан бири “Ҳей лола” кўшиғидир.

“Ҳей лола” кўшиғи қашқадарё воҳасида кенг тарқалган халқ кўшиқларидан бири бўлиб, лолалар очилганда қиз ва йигитлар томонидан ижро этилади.

Ёш йигит тилидан куйланувчи биринчи мисрада йигит лолани қиз болага ўхшатади ва лола орқали қиз болада иши борлигига ишора қилади. Киссасидаги кишмиш, яъни майизни у билан баҳам кўргиси борлигини айтади, ҳамда фақат унинг ўзига айтадиган сири борлигига шаъма қилади. Унда лола орқали ўзбек қизларининг иболи, ҳаёли, уятчан эканлиги тасвирланади. қиз болалар билан муомала қилишнинг ҳам ўзгача назокатли томони борлигини эсдан чиқармаслик кераклигини йигитларга уқтиради. Бунда лолани худди қиз болага ўхшашлиги, лолани тергани чиққан йигитларга уни исроф қилиб ерга узиб ташламасдан, авайлаб ўзига кераклигича узиш кераклиги ҳақида сўзланади. Ҳей лола кўшиғини таҳлил қилаётганда ўқувчиларга мавсум ва маросим халқ кўшиқлари, лола сайли ҳақида тушунча бериб борилди. Кўшиқ шўхчан, қувноқ характерда бўлиб куйлаганда унинг ёш йигитларга хос ҳазилона кайфиятини сақлаб қолиши лозим.

Ўқувчилар билан лола сайлига чиқишдан олдин бу кўшиқни ўрганиш уларга ниҳоятда қўл келади. кўшиқ ўргатилиб, лола сайли ўтказилганидан сўнг улар билан қуйидаги тартибда савол-жавоблар ёки суҳбатлар олиб бориш ўқувчиларга бу тадбирнинг қандай ўтказилиши ҳақида тўлиқ тасаввур ҳосил қилинишига ва кўшиқни мазмунига етиб ижро этилишига замин бўлади.

ҲЕЙ ЛОЛА

Ўртача тез

Ўзбек халқ қўшиғи



Ло-ла-ча-га и-шим бор, ҳей ло-ла.

Кис-сам-да киш-ми-шим бор, ҳей ло-ла.

Киш-миш бўл-са май-ли-га, ҳей ло-ла (ё),

Қиз бо-ла-да и-шим бор, ҳей ло-ла.

1. Лолачага ишим бор, ҳей лола,

2. Том устида пиёла, ҳей лола,

Киссамда кишмишим бор, ҳей лола

Ичи тўла гул лола, ҳей лола

Кишмиш бўлса майлига, ҳей лола-ё,

Нари туринг бўз бола, ҳей лола,

Қиз болада ишим бор, ҳей лола.

Уялади қиз бола, ҳей лола.

3. Лола ўзи қиз бола, ҳей лола.

Қирда ўсган қиз бола, ҳей лола.

Лолачани кўрганда, ҳей лола-ё,

Санаб-санаб ўз бола, ҳей лола.

“Сумалак”

Ўзбек халқ қўшиғи

Ўрта Осиё халқлари орасида кенг тарқалган урф-одатлардан бири баҳор пайтлари кўпчилик бўлиб пишириладиган “ҳалим” ва “сумалак” лар каби баҳор таомларини таёрлашдан иборатдир. Собиқ иттифоқ даврида бундай таомларни пишириш маросими диний урф-одатлар сифатида қаттиқ қораланар ва бундай маросимларни ўтказиш афюн-маданиятсизлик белгиси ҳисобланар эди. Аммо халқ ичида ошкоро бўлсада сумалак пиширишлар одатий бир ҳол деб қаралар эди. Сумалак пиширишни оммавий сайлга айлантиришдан, тантанали тарзда ўтказишдан ҳайиқишар эди.

Шунинг учун ҳам сумалак ҳақидаги қўшиқларни куйлаш удум бўлмаган. Ҳозирги кунда, халқ урф-одатлари ва маросимларга кенг йўл очилган бир даврда сумалак ҳақидаги қўшиқларни куйлаш оммавий тус олмоқда.

Ўқувчилар билан бундай қўшиқларни ўрганишдан олдин уларни бу расм-русумларнинг ўтказилиши ва сумалак таомини таёрлашнинг йўл-йўриқлари ва унинг фойдали таом эканлиги ҳақида суҳбат ўтказиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўқитувчининг ўқувчилар билан ўтказган суҳбати жараёнида сумалак қилиш учун аввало буғдой ундирилиши, у кўкариб униб чиққандан сўнг унинг сувини сиқиб дошқозонга солиниши ва ун билан қориштириб суюқ ҳолга келтирилиши, маҳалла аёллари тўпланишиб, дуолар ўқиши ва элга яхши тилаклар билдирилиши, сумалакнинг ичига тош солиниши ва бир кеча-кундуз ўт ёқиб уни доимо ковлаб пиширилиши, бунинг учун ҳамма ҳамжиҳат бўлиб ишга бош қўшиши, гина-гудуратлар унутилиши, турли таомлар билан бир-бирларини сийлашлари кечаси билан базм қилишиб, халқ қўшиқларини ва замонавий қўшиқларни куйлашлари, рақсларга тушишлари ҳақида маълумотга эга бўладилар. Сумалак ҳақидаги қўшиқнинг бундай маросимларда хусусан, қозон атрофидаги базмларда куйланиши айтилиши муддао бўлади. қўшиқни доира ёки бошқа мусиқа асбоби жўрлигида ижро этиш уларнинг маълум тонликка созланиб олишларига ёрдам беради. қўшиқни чапак чалиб, рақс элементлари

билан ижро этиш маросимнинг энг эсда қоларли ҳолатларидан ҳисобланади. Таом тайёр бўлгач ҳаммага қўшган ҳиссасига қараб бўлиб берилиши ва ундан етим-есирларга, бемор бўлиб ётганларга ва кам таъминланган оилаларга ҳам хайр эҳсон сифатида тарқатилиши ва у минг бир дардга даво бўлиши, ошқозонни тозалаб, меъданинг фаолиятини яхшилаши ҳақида ҳам сўз юритилади.

Таниқли олим Рустам Абдуллаев томонидан ёзиб олинган “Сумалак” қўшиқларининг биринчиси “Лола” номли қўшиқ куйининг айнан ўзи бўлганлиги учун биз “Сумалак” қўшиғининг иккинчи вариантыда тўхталдик. Унинг ҳар бир қаторини икки мартадан қайтариб куйлатганимизда қўшиқ таъсирчан бўлиб чиқади.

қўшиқнинг иккинчи куплетини маросимнинг мазмунидан келиб чиққан ҳолда ўзимиз ёздик. қўшиқ назаримизда шунда таъсирли ва тўлиқ бўлди. Ўқувчиларга қўшиқни куйлатганда таомнинг пиширилиш жараёнини ифодаловчи айрим ҳаракатлар ҳам қўшилди ва бу мақсадга мувофиқ бўлди. Шунингдек, қўшиқ ниҳоясида болаларга бериладиган саволлар уларнинг айрим узук-юлуқ фикрларини ҳам тўлдириб, маросим ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлишларига имкон берди.

СУМАЛАК

Ўртача

Ўзбек халқ қўшиғи



Ян-чиб ян-чиб эз-ди-ла-ро, су-ви-ни сиқиб олдилар

дош-қо-зон-га сол-ди-лар Янг-лаб янг-лаб о-на-ла-ро

о-на-лар Сумалакжон су-ма-лак су-ма-лак-жон су-ма-лак.

Янчиб-янчиб эздилар-о, сувини

Сиқиб олдилар дошқозонга солдилар

Янглаб-янглаб оналар-о оналар

Сумалакжон, сумалак, сумалакжон сумалак.

Оқ ун қўшди оқ бўлсин деб йўлимиз

Сув қуйдилар сероб бўлсин деб йилимиз

Бикир-бикир қайнатдилар тош солиб

Дастурхонлар тузатилар ош солиб.

Сумалак қўйиш удумимиз ёд бўлди

Ундан татиб ёшу-қари шод бўлди.

“Дарё тошқин”

Ўзбек халқ қўшиғи

Халқ қўшиқларидан кинофильм ва телефильмларда ҳам кенг фойдаланилмоқда. Хусусан, “Шум бола” кинофильмида шум болани отига мингаштириб дарёдан ўтказиб қўйган йўловчи чол томонидан куйланадиган:

Дарё тошқин, сувлар тўлқин ўтолмаймане,

Отим ориқ манзилимга етолмаймане,

Отгинамни ориқ қилган шу майда тоше,

Рангинамни сариқ қилган шу қалам қоше.

Айниқса ўғриларнинг маишатида шум боланинг йўловчи чолдан ўрганиб олган ва айтиб берган бу қўшиғи, унинг тез айтиладиган иккинчи қисмида бола тилидан айтилган.

Дарёларнинг ул юзида уйларингиз?

Оқарибон кўринади бўйларингиз.

Ипакмиди, шалпармиди кийганингиз?

Бизлардан ҳам ортиқмиди суйганингиз?

қўшиғи айнан халқ қўшиғи бўлиб, сарсон саргардонликда кун кўриб юрган даврадаги барча ўтирганларни оғир ўйга толдиради ва ҳатто ўғри боши ҳам дардини ичига ютиб шум болага ўз раҳматини айтади.

Шум бола фильмидан олинган бу лавҳани телефильм ленталари орқали ўқувчиларга намоиш қилиш ёки уни таъсирчан қилиб сўзлаб бериш ўқувчиларда катта таассурот қолдирди. Уларда ўз хонадони, ўз юрти, ўз Ватанига ва унда яшаб турган қариндош - уруғ ва ватандошларига бўлган меҳр - муҳаббати ҳисларини янада чуқурроқ сингдиришга имкон берди.

ДАРЁ ТОШҚИН

Ўртача тез

Ўзбек халқ қўшиғи

Дар-ё тош-қин, сув-лар сал-қин

ў- тол- май- ма- не

не О- тим о- риқ, ман- зи-

лим- га е- тол- май- ма-не

The musical score is written on four staves in 2/4 time. The melody is in a minor key, indicated by a single flat (B-flat). The lyrics are in Uzbek. The first staff contains the first line of the melody. The second staff contains the second line, ending with a first ending bracket. The third staff contains the third line, starting with a second ending bracket. The fourth staff contains the fourth line, which concludes the piece. The tempo is marked 'Ўртача тез' (Moderately fast) and the genre is 'Ўзбек халқ қўшиғи' (Uzbek folk song).

О- тим о- риқ ман- зи-
 лим-га- е е- тол- май-ма- не.
 От- ги- нам- ни о- риқ
 қил- ган шу май- да то- ше 1.
 ше, Ранг- ги- нам-ни
 са- риқ қил- ган шу қа- лам қо-
 ше.

Дарё тошқин сувлар салқин ўтолмаймане

Отим ариқ, манзилимга етолмаймане,

Отгинамни ориқ қилган шу майда тоше,

Рангинамни сариқ қилган шу қалам қоше.

Дарёларнинг ул юзида уйларингиз?

Оқаришиб кўринади бўйларингиз.

Ипакмиди, шалпармиди кийганингиз?

Бизлардан ҳам ортиқмиди суйганингиз?

Дарёларнинг ул юзидан сув келади,

Паранжига ўралибон ёр келади.

Паранжига ўралмаса ким кўради

Унинг ойдек жамолига ким тўяди?

“Ўзбекистон диёрим”

Ўзбек халқ лапар

“Ўзбекистон диёрим” -қўшиғи фольклар асарлари сирасига кирувчи лапар жанрига мансубдир. Лапарлар одатда бир киши томонидан рақсга тушиб куйланади, халқ чолғу асбоблари ансамбли унга жўр бўлади. Одатда чолғу ансамбли куйнинг маълум бўлагини чалиб келган пайтда қўшиқ айтувчи раққоса сифатида ўйин ҳаракатларини бажариш лозим бўлади. қўшиқ куйланаётган пайтда ҳам хонанда қўл ҳаракатлари ва рақс элементлари билан шеърнинг мазмунини ифодалаб бериши талаб этилади. Демак, лапар куйлашнинг ўзига хос мураккаб-лиги шундаки ижрочи ҳам қўшиқ айтишни яхши билиши ва айна пайтда раққоса сифатида ҳам мукаммал бўлиши лозим. Лапарлар одатда аёл кишилар томонидан ижро этилади.

“Ўзбекистон диёрим” қўшиғини дастлаб ўқувчиларга ҳаракатларсиз ўргатдик. Кейинчалик улар қўшиқни мустақил ўрганиб бўлганларидан сўнг айрим рақс элементларини киритдик. Рақс ва қўшиққа қобилияти бор қизлардан айримларига қўшиқни яқка куйлаб рақсга тушишга имкон бердик.

Асарнинг сўзи батафсил таҳлил қилиб чиқилди ва лапар жанри ҳам турли мавзуларга бағишланиши мумкин эканлиги, хусусан бу ерда она Ватанимиз Ўзбекистон ҳақида, унга бўлган фарзандлик бурчи, меҳр ва садоқат ҳислари

ифодаланганлиги ҳақида фикр берилди. Шу тарзда ўқувчилар лапар жанри ўзбек бастакорлари ижодида дуэт тарзида ҳам учраши мумкин эканлигининг гувоҳи бўлишди. Лапар кўшиқларининг моҳир усталари Тамарахоним ва Гулшод Отабоевалар ҳисобланади.


Хусусан, халқ лапарлари асосида композитор М.Левиеннинг аралаш хор учун ёзган “Лапар” йигит ва қизлар айтишуви тарзида ижро этилган.

Лапар жанри ўз тузилиши жиҳатидан ялла жанрига яқин келади. Яллалар одатда ҳофизлар томонидан ижро этилади ва унга раққосалар ўйинга тушадилар. Баъзи яллалар кўшиқ тарзида ҳам ижро этилади. Ўзбек эстрадасининг моҳир устаси Ф.Зокиров томонидан ижро этиладиган “Ялла-ялла” кўшиғи ҳам айти шу жанрга мансуб эканлигига тўхталдик. “Ялла” вокал ансамблининг репертуарида ҳам жуда кўплаб яллалар борлиги ҳақида фикр юритилади. Ялла ва лапар фольклар кўшиғи ҳақидаги фикрлар савол-жавоблар орқали умумлаштирилди.

ЎЗБЕКИСТОН ДИЁРИМ

Жонли

Ўзбек халқ лапар



Ўз-бе-кис-тон ди-ё- рим Ўз-бе-кис-тон ди-ё- рим,




сен қу-вон-чим қа-ро-рим. Сен қу-вон-чим қа-ро-рим,



Куй-ла-га-ли мад-ҳинг-ни, куй-ла-га-ли мад-ҳинг-ни,



ол-дим қў-лим-га то-рим. Ўзим айланай жоним айланай.



кў-зим, ай-ла-най, Ўзим айланай, кўзим айланай



жо- ним ай- ла- най.

Ўзбекистон диёрим

Сен қувончим қарорим.

Куйлагали мадҳингни

Олдим қўлимга торим

Ўзим айланай, жоним айланай, кўзим айланай

Ўзим айланай, кўзим айланай, жоним айланай.

Кенг қучоқ тилло тоғсан,

Поёни йўқ кенг боғсан

Бахт йўлини ёритган,

Шарқда машғал чироқсан.

Ўзим айланай, кўзим айланай, жоним айланай.

Ўзим айланай, жоним айланай, кўзим айланай.

Бахт тополдик меҳнатда,

Меҳнаткаш жон роҳатда

Оғ олтини туфайли

Пахтакор эл роҳатда.

Ўзим айланай, жоним айланай, кўзим айланай

Ўзим айланай, кўзим айланай, жоним айланай.

“Ҳаккалабон”

Ўзбек халқ қўшиғи

“Ҳаккалабон” - қўшиғи Сурхондарё-қашқадарё мусиқа услубида яратилган ялла жанридаги фольклар қўшиқларидан бири ҳисобланади.

VI синф дарслиги муаллифларининг таърифлашича, ялла - бу банд нақорат шаклига эга айтим бўлиб, у рақсга тушиб куйланади. Бунда яккахон яллачи жўрлигида рақсга тушиб бандларни куйласа, нақоратларни даврада ҳозир бўлган кўпчилик қўшилиб айтади.

Яллачилик санъатининг моҳир ижрочилари сифатида Ҳадяхон Ҳамдамова, Лутфихоним Саримсоқова, Тамарахоним, Раҳима Мирзоҳидова, Ойимқиз Тўхтаевалар машҳурдир.

Халқ ичида тарқалган ялла қўшиқларидан бири “Чаманда-гул” қўшиғи бўлиб қашқадарё воҳасида уни бошқача сўз билан “Ҳаккалабон” деган ном билан куйланади. “Ҳаккалабон” қўшиғи санъат йўлига эндигина кириб келаётган қизча номидан айтилади. Унда қизчанинг орзу-истаклари, санъаткор бўлиш орзуси ҳақида сўз юритилади. Бу қўшиқ орқали қизчаларнинг ўз ўй ҳаёлларини ҳар доим онаси билан баҳам кўриб унинг маслаҳатисиз бирон иш қилмаслиги, яъни ота-она ҳурматини ўз истақларидан ҳам юқори қўя олиш зарурлиги ҳақидаги ҳислатлар ўқувчиларга сингдирилади. Ота-онага бўлган меҳр оқибат ҳисларини тарбиялашда бундай қўшиқлар муҳим роль ўйнаши табиийдир албатта.

“Ҳаккалабон” қўшиғи ҳам асосан якка хонанда қиз томонидан куйланади ва нақорат қисмлари кўпчилик бўлиб ижро этилади. Бунда қизча асосан бир оёқда ҳаккалаб сакраб рақсга тушади.

Бу халқ кўшиғини сахнада куйлаганда яккахон ва бошқалар ҳам миллий маҳаллий кийим кийиб чиқишади, сочларини майда қилиб ўриб учларига пилик тақишиб, бошига ироқи дўппи ёки қалпоқча кийиб оладилар. Ўйин энгил сакраб ўйналади.

“Ҳаккалабон” кўшиғини синфда дарс жараёнида куйлаганда якка хонандани миллий кийинтириб, рақсга тушириб куйлатиш ва бунда бутун синф ўқувчилари чапак чалиб, нақоратга жўр бўлиб туриши тавсия этилади.

Мазкур кўшиқни куйлаш бир томондан қашқадарё воҳасига хос анъанавий ўйин турини, халқ маънавиятини тарғиб қилишга ва иккинчидан меҳрибонлик, садоқат, ҳурмат каби муҳим ахлоқий тушунчаларни ўқувчиларга сингдиришга имкон беради.

ҲАККАЛАБОН

Қашқадарё фольклор кўшиғи

Қувноқ


М.Исмоилова нотага олган



Ҳак-ка-ла-бон ўй-на-сам ман-(эй) Дук-ка-ла-бон ўй-на-сам-ман.



О-йим жа-воб бер-са-лар сах-на-да ўй-на-сам ман. сам ман (эй).



Ҳак-ка-ла-бон ўй-на-сам ман (эй) дук-ка-ла-бон ўй-на-сам ман.

Ҳаккалабон ўйнасам ман (эй)

Дуккалабон ўйнасам ман.

Дуккалабон ўйнасам ман.

Пахтазордан келади,

Ойим жавоб берсалар

Опа деган товущинг (эй)

Саҳнада ўйнасам ман (эй)

Ҳаққалабон ўйнасам ман (эй)

Ҳаққалабон ўйнасам ман (эй)

Дуққалабон ўйнасам ман.

“Ҳалинчак”

Ўзбек халқ қўшиғи

Ҳалинчак қўшиғи ҳам анъанавий маросимлар билан бевосита боғланган асар бўлиб унда келинликнинг ўзига хос нафосати, романтикаси ҳақида баён этилган. Юқори синф ўқувчилари билан бу асарни ўрганишда ҳар бир ёш келажакда оила қуришга тайёр бўлиши лозимлиги, турмушга чиқмаган қизларнинг ўз ибo ва андишасини сақлаш билан гўзаллиги, фойзли эканлиги ҳақида фикр юритилади. Айни пайтда турмуш қуриш ҳар бир ёшнинг олдида турган муҳим вазифа эканлиги ва ҳар бир оила жамиятимизнинг муҳим бир таркибий қисмига айланиши ҳақида ўқувчиларга маълумот бериб борилади. Севги, муҳаббат билан қурилган ҳаёт мустаҳкам бўлиши, бу ишда енгил-елпиликка йўл қўйиб бўлмаслиги ва ҳар бир ёш бу масъулиятли вазифага жиддий қараши лозимлиги уқтирилади. Бу асар орқали ўқувчилар келажак ҳаётни мантиқан тўғри қуриши қанчалик даражада масъулиятли эканлигини англаб борадилар ва уларнинг ҳар бирлари ўзларини шахс сифатида зарурий маънавий-ахлоқий хислатларини мукамаллаштириб боришга масъул эканликларини ҳис этадилар.

ҲАЛИНЧАК

Ўзбек халқ кўшиғи

Ўртача тез

(М.Исмоилова нотага туширган)



Ҳалинчан ҳо ҳалинчак ҳа-лин-чак-ка ке-лин-чак Салт-ли-ги-ни
со-гин-га-но ке-лин-чак ҳо ке-лин-чак
Ҳа-лин-чак ҳо ҳа-лин-чак ҳа-лин-чак-ка ке-лин-чак.

1. Ҳалинчаго ҳалинчак

2. Бойга чепгон бичдингми

Ҳалинчакка келинчак

Ҳалинчакка учдингми

Салтлигини соғинган

Бойни кўрга жўнатиб

Келинчаго келинчак

Ҳалинчакка учдингми

3. Ҳалинчаго ҳалинчак

Учавергил келинчак

Ҳалинчакни шамолиё

Кўш чеканга кўш чечак.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилоқда. -Т.: Ўзбекистон, 1999. - 48 б.
2. Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори // Баркамол авлод орзуси. -Т.: Шарқ, 1999.- 54-55 б.
3. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. -Т.: Ўзбекистон, 2000. – 109 б.
4. Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч.-Т.: Маънавият, 2008.- 167 б.
5. Акбаров И.А. Мушиқа луғати. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1997.- 448 б.
6. Бегматов С. ва бошқалар. Мушиқа маданияти: 6 – синф учун дарслик. -Т.: Ғ.Ғулом нашриёти, 2001. – 144 б.
7. Жабборов А.Ҳ. Ўзбекистон бастакорлари ва мушиқашунослари.–Т., 2004.- 238 б.
8. Жабборов И. Ўзбек халқи этнографияси. –Т.: Ўқитувчи, 1994.- 320 б.
9. Иброҳимов О. ва б. Мушиқа: 4–синф учун дарслик.- Т.: Ғ.Ғулом нашриёти, 2003.- 110 б.
10. Иброҳимов О., Садиров Ж. Мушиқа: 7–синф учун дарслик. – Т.: Ғ.Ғулом нашриёти, 2001. – 244 б.
11. Кушаев А.Э. Узбекская профессиональная музыка устной традиции как средство музыкально-эстетического воспитания учащихся 4-7 классов: Автореф. дисс. ... канд. пед. наук. –М., 1987. -16 с.
12. Мансуров А., Каримова Д. Мушиқа маданияти: 5-синф учун дарслик. –Т.: Ғ.Ғулом нашриёти, 2001. – 130 б.

13. Матёкубов Б. Хоразм дoston ижрочиларининг зарҳал саҳифалари. – Хоразм, 1999. – 51 б.

14. Матякубов Б. Музыкальные особенности Хорезмских дастанов: Автореф. ... канд. искусствoведения. –Т., 1996.- 23 с.

15. Маҳмудов М.Ҳ. Комил инсон – аждодлар орзуси. –Т.: Ёзувчи, 2002. – 280 б.

16. Муסיқа психологияси. –Т.: Муסיқа, 2005. – 78 б.

17. Муסיқа маданиятидан янги таҳрирдаги Давлат таълим стандарти, ўқув дастури ва мавзуй режалаштириш. –Т., Шарқ, 2004. – 62 б.

18. Ожиза: шеър ва дostonлар. /нашрга тайёрловчи фил. фанл. докт., проф. С. Рўзимбоев. – Т., 2003. – 122 б.

19. Олти халфа / тўпловчи: Р.Юнусов. – Хоразм, 1994. – 39 б.

20. Тошматов Ў. Фольклор кўшиқлари. –Тошкент, А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2003.- 50-60 б.

21. Тўраев Ф.Ж. Совершенствование музыкально-эстетическое воспитание студентов в процессе обучения игре на народных инструментах: Автореф. ... дисс. пед. наук. –Киев, 1989. -22 с.

22. Хоразм фольклори. – Урганч, 2000. – 76 б.

23. Қуронов М. Ўзбекистонда умумий ўрта таълим мактабларида миллий тарбиянинг илмий-педагогик асослари: Пед. фанл. докт. ... дисс. -Т., 1998.- 316 б.

24. Қўчқоров Ғ. Фольклор кўшиқчилиги. –Т., 2005.- 48-50 б.

25. Расулов Ў. Кўзга айлансин кўнгил. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Тиббиёт Академияси нашриёти. 2012. – 64 б.

26. Ражабов Исҳоқ. Мақом асослари. (Р. Юнусов таҳрири остида). Тошкент:..., 1992. – 116 б.

27. Расулов Ў. Анъанавий хонандалик ўқитиш методикаси. – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси, 2006. – 91 б.
28. Раҳмонов М. Ўзбек театри тарихи. (XVIII асрдан XX аср аввалигача ўзбек театр маданиятининг тарақиёт йўллари) – Тошкент: Фан, 1968. – 480 б.
29. Раҳмонов М. Ўзбек театри. Қадимий замонлардан XVIII асрга қадар. – Тошкент, Фан, 1975. – 287 б.
30. Сафаров О., Атоев О., Тўраев Ф. “Бухорча” ва “Мавриги” тароналари”. – Тошкент: Фан., 2005. – 277 б.
31. Тўраев Ф.Ж. Бухоро муғаннийлари. – Тошкент: Фан, 2009. – 323 б.
32. Фитрат А. Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи. – Тошкент: Фан, 1993. – 56 б.
33. Гофурбеков Т. Сайланма. – Тошкент: Мусиқа, 2009. – 175 б.
34. Ҳамидов Ҳ. Ўзбек анъанавий кўшиқчилик маданияти тарихи. – Тошкент: Ўқитувчи, 1996.